

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**13-сон**  
**(73)**  
**2003 й.**  
**июль**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

101. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 4 июлдаги ПФ-3274-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

102. «Нефть маҳсулотларини сотиш ва уларга тарифларни шакллантириш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 296-сон қарори [Кўчирма]

103. «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Патент вакиллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 298-сон қарори

104. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги ПФ-3270-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июлдаги 300-сон қарори

105. «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори

106. «Корпоратив бошқарув марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 июлдаги 304-сон қарори
107. «Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 июлдаги 305-сон қарори
108. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 307-сон қарори
109. «Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори
110. «Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарори

**ИККИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**101 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонларига қўшимчалар киритилсин:

1. «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сон Фармонида:

1-банднинг охиридаги «тақиқлансин» сўзидан кейин вергул қўйилиб, «Қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.» деган сўзлар қўшилсин;

2-банднинг 1-хатбоши охиридаги «ҳисоблансин» сўзидан кейин вергул қўйилиб, «қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.» деган сўзлар қўшилсин.

2. «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги ПФ-1363-сон Фармони 2-бандининг иккинчи хатбоши охиридаги «жўнатсинлар» сўзидан кейин вергул қўйилиб, «қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;» деган сўзлар қўшилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 4 июль,  
ПФ-3274-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **102** Нефть маҳсулотларини сотиш ва уларга тарифларни шакллантириш тартиби тўғрисида

#### [Кўчирма]

Нефть базаларининг юридик шахс сифатида қайта ташкил этилганлигини, хусусийлаштирилган ва автомобилларга ёнилғи қўйиш хусусий шохобчалари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда нефть маҳсулотлари сотиш механизмини такомиллаштириш, уларнинг рақобат қилиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 2003 йил 1 июлдан бошлаб нефть маҳсулотларининг нархларини ва уларга устамаларни шакллантириш тартиби жорий этилсин, унга кўра республиканинг ҳар бир минтақасида нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналар (нефть базалари ва АЁҚШ)нинг чекланган устамалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган параметрлар доирасида минтақавий молия органлари томонидан белгиланади.

Нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг чекланган устамаларини шакллантириш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, улгуржи истеъмолчилар ва хусусийлаштирилган АЁҚШларга нефть маҳсулотлари харид қилиш юзасидан бир вақтнинг ўзида турли нефть базалари билан шартномалар тузишга рухсат берилади. Бунда:

хар бир улгуржи истеъмолчи ёки чакана истеъмолчиларга нефть маҳсулотлари сотувчи АЁҚШ нефть маҳсулотларининг асосий ҳажмини оладиган нефть базасини мустақил равишда танлайди. Бошқа нефть базасига асосий сифатида бириктириб қўйишга фақат олдинги асосий нефть базасидан қарз мавжуд бўлмаганда йўл қўйилади;

барча нефть маҳсулотларини бошқа нефть базаларидан олишга фақат ҳақини 100 фоиз олдиндан тўлаш шартида йўл қўйилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 7 сентябрдаги 382-сон қарори (ЎР ҚТ, 1998 й., 9-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тўғрисидаги низомнинг 8-бандидаги «Тошшаҳарнефтмаҳсулот» корхонаси» сўзлари «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин ва тақдим этсин, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 1 июль,  
296-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 1 июлдаги 296-сон қарорига  
ИЛОВА

**Нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг чекланган  
устамаларини шакллантириш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ўзбекнефтегаз» миллий-холдинг компанияси корхоналари ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нефть маҳсулотлари сотиш ҳуқуқига лицензияга эга бўлган бошқа корхоналар томонидан сотиладиган нефть маҳсулотларига чекланган устамаларни шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги атамалар қўлланади:

«минтақалар» — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри;  
«минтақавий молия органлари» — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия бош бошқармаси, вилоятлар ҳокимликлари молия бошқармалари.

**II. Нефть маҳсулотларини нефть базаларигача ташиш ҳақи  
миқдорини белгилаш**

3. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ўз маҳсулотини ички бозорда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларация қилинадиган нархлар бўйича сотади.

4. Нефть маҳсулотларини «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компанияси корхоналарига сотишда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи темир йўл орқали нефть базаларигача ташиш ҳақи миқдорини шундай тартибда белгилайдики, бунда айнан бир турдаги бир тонна нефть маҳсулотининг исталган нефть базасигача ёки нефть базаси филиалигача ташиш суммаси бир хил бўлиши керак. Бунда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг нефть маҳсулотларини темир йўл орқали ташиш бўйича мумкин бўлган салбий молиявий натижаси белгиланган тартибда ҳисобланган акциз солиғининг бир қисмини унинг тасарруфида қолдириш ҳисобига қопланади, салбий молиявий натижанинг ўзи эса қайтадан солиққа тортиш базасига киритилмайди.

**III. Нефть базалари устамаларини шакллантириш**

5. Республиканинг ҳар бир минтақаси доирасидаги нефть базалари учун те-

гишли минтақавий молия органи томонидан улар томонидан сотиладиган нефть маҳсулотларининг бир тоннасига чекланган устамалар сўмларда декларация қилинади.

6. Битта минтақа доирасида нефть маҳсулотларининг ҳар хил турлари учун турлича чекланган устамаларнинг декларация қилинишига йўл қўйилади. Бунга:

нефть маҳсулотларининг ҳар хил турлари учун қабул қилиб олиш, сақлаш, сиғимлардан чиқариб олиш ва ташиш бўйича техник шартларда жиддий тафовутлар мавжуд бўлганда;

нефть маҳсулотларининг ҳар хил турлари бўйича қабул қилиб олиш, сақлаш ва сотишга ишлаб чиқариш харажатлари ўртасида жиддий тафовутларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган бошқа объектив омиллар мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

7. Нефть маҳсулотларини етказиб бериш қуйидаги тартибда амалга оширилади: нефть маҳсулотларини истеъмолчиларга бевосита нефть базаларидан автоцистерналарда бериш;

нефть маҳсулотларини истеъмолчиларга бевосита нефтни қайта ишлаш корхоналаридан темир йўл цистерналарида етказиб бериш.

Бунда нефть маҳсулотларининг айнан бир тури бўйича декларациялаш етказиб бериш турига қараб турли чекланган устамалар билан амалга оширилади.

8. Нефть базалари устамаларни декларацияланган чекланган устамалардан паст даражада белгилаш ҳуқуқига эга. Айнан битта нефть базасидан ва нефть маҳсулотларининг айнан бир турини турли истеъмолчиларга айнан битта санада турли устамалар билан сотишга йўл қўйилмайди.

9. Бутун республика бўйича марказлаштирилган тартибда ягона чакана нархлар белгиланадиган нефть маҳсулотларини АЁҚШ орқали ва нефть базаси тартибига кирувчи бошқа бўлинмалар орқали сотишда сотиш нархи ва харид нархи ўртасидаги ижобий тафовут (нефть базасининг чекланган устамасини ҳисобга олган ҳолда), қўшилган қиймат солиғини чегириб Нархларни бошқариш жамғармасига ўтказилади. Бунда Нархларни бошқариш жамғармасига ўтказилиши керак бўлган сумма автобензинни фуқароларнинг алоҳида тоифаларига Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига мувофиқ имтиёзли нархлар бўйича сотишда нефть базалари кўрган зарарлар суммасига камайтирилади.

10. Нефть базаларининг чекланган устамаларини декларациялаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сон қарори ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан чекланган нархлар ва устамаларни декларациялаш учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда устамаларни истеъмолчилар билан келишиш протоколлари талаб қилинмайди.

#### **IV. Хусусийлаштирилган ва автомобилларга ёнилғи қуйиш хусусий шохобчаларида устамаларни шакллантириш**

11. Ҳар бир минтақада хусусийлаштирилган ва автомобилларга ёнилғи қуйиш хусусий шохобчалари учун улар ихтиёрида қоладиган, улар томонидан чакана истеъмолчиларга сотиладиган бир тонна нефть маҳсулотларига сўмлардаги устамаларнинг чекланган миқдори белгиланади. Бунда бир минтақа доирасида нефть маҳсулотларининг ҳар хил турлари учун ҳар хил чекланган устамалар белгиланишига йўл қўйилади.

12. Чекланган устамалар минтақавий молиявий органлар томонидан белгиланади ҳамда хусусийлаштирилган ва автомобилларга ёнилғи қуйиш хусусий шохоб-

чаларига тегишли чекланган устама кучга кирадиган санадан камида 5 кун олдин етказилади.

13. Хусусийлаштирилган ва автомобилларга ёнилғи қўйиш хусусий шохобчалари устамаларни белгиланган чекланган устамалардан паст даражада белгилаш ҳуқуқига эгадир, бироқ бу бутун республика бўйича ягона чакана нархлар марказлаштирилган тартибда белгиланадиган нефть маҳсулотларига жорий этилмайди. Шу билан бирга айнан бир автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчасидан айнан бир санада ҳар хил истеъмолчиларга бир хил турдаги нефть маҳсулотларини ҳар хил устамалар билан сотишга йўл қўйилмайди.

14. Бутун республика бўйича ягона чакана нархлар марказлаштирилган тартибда белгиланадиган нефть маҳсулотлари бўйича, агар чакана нарх билан сотиб олиш нархи ўртасидаги тафовут автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчасининг белгиланган чекланган устамасидан ортиқ бўлган тақдирда, ортиқ сумма уч банк кун мобайнида маҳаллий бюджетга ўтказилиши керак. Кўрсатиб ўтилган муддат бузилган тақдирда муддати ўтказиб юборилган қарз суммасига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун маҳаллий бюджетга олиб қўйиладиган 0,07 фоизли ставка бўйича пеня ҳисобланади.

#### **V. Нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг чекланган устамалари параметрларини белгилаш**

15. Нефть базалари чораклик молиявий ҳисоботлар топшириш билан бир вақтда минтақавий молия органларига чекланган устамаларга декларация тўлдириш учун тақдим этиладиган форматда тамом бўлган чорак учун даромадлар ва харажатларни моддалар бўйича кўрсатган ҳолда кўрсатиб ўтилган ҳисоботларнинг нусхаларини тақдим этадилар.

16. «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компанияси ҳар бир ой тамом бўлишидан олдин ўн беш кундан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига нефть базалари ва уларнинг филиаллари томонидан олдинги ойда нефть маҳсулотлари турлари бўйича сотилган нефть маҳсулотлари тоннаси тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

17. Ҳар бир минтақада нефть маҳсулотларининг бозор фондиди (тоннада) ўзларига тегишли хусусийлаштирилган ва автомобилларга хусусий ёнилғи қўйиш шохобчалари орқали минтақа ҳудудида сотиш ҳажмида энг юқори салмоққа эга бўлган камида 5 корхона молиявий натижаларининг мониторинги олиб борилади. Кўрсатиб ўтилган корхоналар ҳар чоракда минтақавий молия органларига тамом бўлган чорак учун қўйидаги маълумотларни тақдим этадилар:

чораклик молиявий ҳисоботлар нусхалари;

автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари ва нефть маҳсулотлари турлари бўйича нефть маҳсулотлари сотишнинг физик ҳажмлари тўғрисида маълумот.

18. Минтақавий молия органлари ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига нефть базаларининг, хусусийлаштирилган ва автомобилларга ёнилғи қўйиш хусусий шохобчаларининг чекланган ва амалдаги устамалари ўзгариши динамикаси тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этадилар.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мониторинг жараёнида олинган маълумотлардан келиб чиқиб миқдорни аниқлайдилар, ушбу миқдор доирасида республика бўйича нефть базалари ва автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчаларининг чекланган устамаларини декларациялашга йўл қўйилади. Ушбу миқдор навбатдаги календарь чорак учун аниқланади ва чорак бошланишидан олдин бир ҳафта-

дан кечикмай минтақавий молия органларига ва «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компаниясига етказилади. Ушбу чекланган миқдорлар шунингдек нефтни қайта ишлаш заводларининг сотиш нархлари ёхуд бутун республика бўйича марказлаштирилган тартибда белгиланадиган ягона даража бўйича нефть маҳсулотларига чакана нархлар қайта кўриб чиқилган ҳолларда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

20. Мазкур Низомга риоя этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда уларнинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

21. Устамаларнинг белгиланган чекланган даражалари корхоналар томонидан оширилган тақдирда ноқонуний олинган даромад суммаси белгиланган тартибда жарима солинган ҳолда олиб қўйилади.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **103** Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Патент вакиллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида», «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида» ҳамда «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Патент вакиллари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» 2002 йил 14 октябрдаги 357-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 59-модда) 3-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С. Кароматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 1 июль,  
298-сон



Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 1 июлдаги 298-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида», «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида» ҳамда «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши (кейинги ўринларда Апелляция кенгаши деб аталади) ваколатларини, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Апелляция кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг (кейинги ўринларда Патент идораси деб аталади) ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини, селекция ютуқларини, интеграл микросхемалар топологияларини, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи коллегиял органи сифатида амалга оширади.

3. Апелляция кенгаши қарорлар қабул қилишда мустақил ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулкни муҳофаза қилишга доир халқаро шартномаларига, мазкур Низомга амал қилади.

### **II. Апелляция кенгашининг ваколатлари**

4. Апелляция кенгаши:

- а) Патент идорасининг талабнома берилган:  
саноат мулки объектлари;  
селекция ютуқлари;  
интеграл микросхемалар топологиялари;  
товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларига нисбатан қабул қилинган қарорлари юзасидан апелляцияларни кўриб чиқади;
- б) манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг:  
саноат мулки объектларига;  
селекция ютуқларига патент берилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;
- в) манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг интеграл микросхемалар топологияларининг рўйхатдан ўтказилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;
- г) манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг:  
саноат мулки объектларига ва селекция ютуқларига берилган патентларнинг ҳақиқийлиги;  
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгининг халқаро рўйхатдан ўтказилишининг амал қилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;
- д) қўйидагиларнинг:

интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг;

товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгиларига берилган, товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳуқуқига берилган гувоҳномаларнинг амал қилиши тўхтатилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

е) товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилиши бекор қилиниши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

ж) товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгиларининг Ўзбекистон Республикасида умум эътироф этилган деб тан олинishi юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади.

5. Апелляция кенгаши апелляция кўриб чиқилиши муносабати билан:

апелляция берган шахслардан, шунингдек бошқа манфаатдор шахслардан апелляцияни кўриб чиқиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва маълумотларни сўраб олишга;

қўшимча экспертиза тайинлаш, уни ўтказиш учун мустақил эксперт ва маслаҳатчиларни жалб этиш;

Патент идораси ихтиёридаги патент ҳужжатлари ва илмий-техника адабиётлари давлат фондларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

### **III. Апелляция кенгаши таркиби ва уни шакллантириш тартиби**

6. Апелляция кенгаши Кенгаш раиси, унинг ўринбосари, кенгаш аъзолари ва котибидан иборат таркибда фаолият кўрсатади.

Патент идораси директори Апелляция кенгаши раиси ҳисобланади. Апелляция кенгаши таркибига Патент идораси директорининг ўринбосарлари, Патент идорасининг энг малакали ва тажрибали ходимлари, шунингдек мустақил олимлар ва мутахассислар киради.

Апелляция кенгашининг шахсий ва сон таркиби Патент идораси директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

7. Апелляция кенгаши раиси, унинг топшириғига кўра эса — унинг ўринбосари Апелляция кенгашининг фаолиятини ташкил этади.

8. Апелляция кенгашида ишлар кенгаш котиби томонидан юритилади. Апелляция кенгаши котиби Апелляция кенгаши томонидан қарорлар қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

### **IV. Апелляция кенгаши фаолиятини ташкил этиш**

9. Апелляция кенгаши фаолияти мажлислар ўтказиш йўли билан ташкил этилади.

Мажлислар заруриятга кўра Апелляция кенгаши раиси томонидан, у бўлмаган тақдирда эса унинг ўринбосари томонидан чақирилади.

Апелляция кенгаши мажлисида протокол юритилади, уни Апелляция кенгаши раиси ва котиби имзолайди.

10. Апелляция кенгаши мажлисларида апелляция берган шахс ёки унинг вакили, бошқа манфаатдор юридик ёки жисмоний шахслар қатнашишга ҳақлидирлар. Апелляция берган шахс ва кўриб чиқилаётган иш бўйича томонлар ҳисобланган бошқа шахслар мажлис бўлишидан камида ўн кун олдин мажлис ўтказиладиган жой, сана ва вақт тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиниши керак.

Апелляция берган шахс бошқа манфаатдор шахслар илтимосномасига биноан

Апелляция кенгаши мажлиси кенгаш қарорига кўра кечроқ, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга кўчирилиши мумкин. Бунда апелляцияларни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатининг ўтиши Апелляция кенгаши мажлисининг янги санасигача тўхтатиб турилади.

11. Интеллектуал мулк объектига ҳуқуқий муҳофаза бериш тўғрисидаги талабномани кўриб чиқишда ва унинг бўйича экспертиза ўтказишда иштирок этган Апелляция кенгаши аъзолари хулоса бериш ёки Апелляция кенгашининг мазкур интеллектуал мулк объекти билан боғлиқ апелляциялар кўриб чиқиладиган мажлисида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас.

12. Қўшимча материаллар ва маълумотлар зарур бўлган тақдирда улар Апелляция кенгаши томонидан белгиланган муддатларда тақдим этилиши керак. Апелляция берган шахс ва бошқа манфаатдор шахслар илтимосномасига кўра қўшимча материаллар ва маълумотларни тақдим этиш муддати Апелляция кенгаши томонидан уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Бунда апелляцияларни кўриб чиқиш белгиланган муддатининг ўтиши узайтириш муддатигача тўхтатиб турилади.

13. Апелляциялар бериш ва уларни Апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқиш қоидалари Патент идораси томонидан тасдиқланади.

14. Апелляцияларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция кенгаши апелляцияларни қаноатлантириш, қисман қаноатлантириш ёки апелляцияларни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Апелляция кенгаши қабул қилинган қарорларнинг асосланганлигини ва қонунийлигини таъминлайди.

Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Апелляция кенгаши айни пайтда ушбу рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига берилган гувоҳномаларнинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Апелляция кенгаши қарори юзасидан қарор қабул қилинган санадан бошлаб олти ой мобайнида судга шикоят қилиниши мумкин.

15. Апелляция кенгаши қарорлари қабул қилинган кундан бошлаб беш кун мобайнида апелляция берган шахсларга ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилади, шунингдек Патент идорасининг расмий нашрида эълон қилинади.

16. Апелляция кенгаши фаолиятини молиялаштириш апелляцияларни кўриб чиқиш бўйича юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширганлик учун ундириладиган патент божлари ҳисобига амалга оширилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади.

Патент божлари микдори, уларни тўлаш муддатлари, шунингдек улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 1 июлдаги 298-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## Патент вакиллари тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Патент вакилларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

2. Ушбу Низом талабларига мувофиқ унга юридик ёки жисмоний шахслар номидан Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси (кейинги ўринларда Патент идораси деб аталади) ҳамда бошқа ташкилотлар олдида интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза олиш ва уни амалга ошириш масалалари бўйича вакиллик қилиш ҳуқуқи берилган жисмоний шахс патент вакили ҳисобланади.

3. Жисмоний шахслар Патент идорасида аттестациядан ва рўйхатдан ўтгандан кейин патент вакиллари сифатида фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари патент вакиллари сифатида аттестациядан ва рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

4. Қўйидагилар патент вакилларига қўйиладиган малака талаблари ҳисобланади:  
олий маълумотга эга бўлиш;  
интеллектуал мулк объектини муҳофаза қилиш соҳасида ёхуд интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасида адвокат сифатида камида тўрт йил иш стажига эга бўлиш;

интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни ҳимоя ва муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун Патент идораси томонидан белгиланадиган ҳажмда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари соҳасида билимларга ҳамда малака имтиҳони натижалари билан тасдиқланган тегишли кўникмаларга ва амалий қўлланиш тажрибасига эга бўлиш.

5. Патент идораси ва унга қарашли ташкилотлар ходимлари патент вакиллари сифатида аттестациядан ва рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас.

6. Патент вакили ўз касб фаолиятини ҳам мустақил равишда яқка тадбиркор сифатида, ҳам ёлланиш бўйича ишлаган ҳолда амалга ошириши мумкин. Ёлланиш бўйича ишлайдиган патент вакили Патент идорасига ушбу иш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши шарт. Патент вакили ушбу иш билан боғлиқ барча ўзгаришлар тўғрисида Патент идорасига бир ой муддатда хабар қилиши шарт. Патент идораси мазкур маълумотларни расмий ахборотномада эълон қилади.

### II. Патент вакилини аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш

7. Патент вакилларини аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш Патент идораси томонидан Патент идораси белгиладиган патент вакилларини аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

8. Аттестация патент вакили сифатида фаолиятни амалга ошириш истагини билдирган жисмоний шахснинг патент вакилига қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Аттестация малака имтиҳони ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

9. Патент вакилларини аттестациядан ўтказиш учун Патент идораси томонидан малака ва апелляция комиссиялари тузилади.

Комиссиялар таркибига Патент идорасининг энг малакали ва тажрибали ходимлари, шунингдек мустақил олимлар ва мутахассислар киритилади.

Малака комиссияси малака имтиҳонини ўтказиш тартибини, имтиҳон топшириқларини тасдиқлайди, имтиҳон олувчиларни тайинлайди, малака имтиҳонига қўйиш тўғрисида ва номзоднинг патент вакили сифатида аттестациядан ўтказилганлиги тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Апелляция комиссияси патент вакилликка номзодларнинг малака комиссияси қарори юзасидан шикоятларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг патент вакилининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ушбу Низом талабларини бузадиган хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоятларини кўриб чиқади.

Патент вакилликка номзодлар ўзларининг малакасига тааллуқли масалаларнинг апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилишида шахсан иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

10. Патент вакилликка номзод Патент идорасига ўзини патент вакили сифатида аттестациядан ўтказиш тўғрисида ариза беради. Аризага олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш соҳасида ёки адвокат сифатида интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида зарур иш стажига эгаллигини тасдиқловчи ҳужжатлар, аттестациядан ўтказиш учун белгиланган тўлов тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат, шунингдек номзоднинг истагига кўра унинг касб билимлари даражасини тавсифловчи бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

11. Кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этган ва қўйилган талабларга мувофиқ бўлган шахслар малака имтиҳонига қўйилади.

Патент вакилликка номзод имтиҳонга келганда паспортини ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни кўрсатади.

12. Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган шахслар малака комиссияси қарори билан патент вакили сифатида аттестациядан ўтказилади ва уларга малака комиссиясининг аттестациядан ўтказганлик тўғрисидаги қарори берилади.

13. Малака комиссияси патент вакилликка номзодни аттестациядан ўтказишни қўйидаги ҳолларда рад этади:

а) ушбу Низомнинг 3—5-бандларида баён қилинган талабларга риоя қилинмаганда;

б) аттестация учун белгиланган тўлов номзод томонидан тўланмаганда.

Ушбу банднинг «а» кичик банди асосида аттестациядан ўтказиш рад этилган патент вакилликка номзод камида олти ойдан кейин такрорий аттестацияга қўйилиши мумкин.

14. Патент вакилликка номзод аттестациядан ўтказишнинг, шу жумладан малака имтиҳонига қўйишнинг рад этилгани юзасидан у аттестациядан ўтказиш рад этилгани тўғрисидаги қарорни олган санадан бошлаб 3 ой муддатда апелляция комиссиясига шикоят қилиши мумкин.

Апелляция комиссияси шикоят бўйича у олинган санадан бошлаб бир ой муддатда қарор қабул қилади.

15. Аттестациядан ўтган патент вакилини рўйхатдан ўтказиш унинг аттестациядан ўтгани тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир йил мобайнида берилиши мумкин бўлган аризаси асосида амалга оширилади. Аризага патент вакили сифатида аттестациядан ўтказилганлиги тўғрисидаги қарор нусхаси, рўйхатдан ўтказилганлик учун, рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганлиги ва патент вакили гувоҳномаси берилганлиги учун белгиланган тўлов тўлангани тўғрисидаги тўлов ҳужжати илова қилинади. Агар рўйхатдан ўтказиш

тўғрисидаги ариза кўрсатилган муддатда тақдим этилмаса аттестациядан ўтказганлик тўғрисидаги қарор ўз кучини йўқотади.

16. Патент идораси рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза берилган санадан бошлаб бир ой мобайнида тегишли маълумотларни патент вакилларининг давлат реестрига (кейинги ўринларда реестр деб аталади) киритади, патент вакилига гувоҳнома беради ва рўйхатдан ўтказиш маълумотларини Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилади. Гувоҳнома шакли, эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

17. Касб фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи реестрда рўйхатдан ўтказиш насидан бошланади.

Патент идораси аттестациядан ўтмаган шахс томонидан рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза берилган, рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тўлов тўланмаган, шунингдек ушбу Низомнинг 3—5-бандларига мувофиқ патент вакилини рўйхатдан ўтказишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар пайдо бўлган ҳолларда рўйхатдан ўтказишни рад этади.

18. Патент вакили ўз фаолиятини интеллектуал мулкнинг алоҳида объектлари ёки хизматларнинг алоҳида турлари билан чеклаши мумкин. Агар патент вакилига номзод бундай чеклаш тўғрисида малака имтиҳони топширишгача маълум қилса, у ҳолда имтиҳон ушбу чеклашни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Патент вакилининг фаолиятини чеклаш тўғрисидаги маълумотлар реестрга ва патент вакилига бериладиган гувоҳномага киритилади.

19. Патент вакилининг ўз фаолияти чекланишини рад этишига у ушбу Низомда назарда тутилган тартибда қўшимча аттестациядан ўтган тақдирда йўл қўйилади.

### **III. Шикоятларни кўриб чиқиш ва патент вакилларини реестрдан чиқариш**

20. Юридик ва жисмоний шахсларнинг патент вакилининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ушбу Низомни бузувчи хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоятлари Патент идорасининг апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Патент идораси патент вакилини ана шундай шикоят тушганлиги тўғрисида хабардор қилади.

21. Ўзига қўйилган талабларни бузган патент вакилига нисбатан апелляция комиссияси қарори асосида қуйидаги чоралар кўрилиши мумкин:

огоҳлантириш;

малака имтиҳони натижаси қониқарсиз бўлган тақдирда реестрдан чиқарган ҳолда қайта аттестациядан ўтказиш;

реестрдан чиқариш.

22. Патент вакили ўз малакаси ва фаолиятига тааллуқли масалалар Патент идорасининг апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқиладиганда шахсан қатнашиш ҳуқуқига эга.

23. Патент вакили Патент идораси томонидан реестрдан:

патент вакилининг ўз аризаси;

патент вакилининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойидан кўчиб кетиши ёхуд ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ҳолатлар вужудга келиши;

апелляция комиссиясининг қарори;

патент вакилининг патент вакили фаолияти билан шуғулланишини тақиқлаш ёки бундай фаолият имкониятини истисно қилувчи бошқа жазолар тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳукми асосида чиқарилади.

24. Патент вакилини реестрдан чиқариш тўғрисидаги ахборот Патент идораси томонидан расмий ахборотномада реестрдан чиқариш сабаблари кўрсатилган ҳолда эълон қилинади.

25. Патент вакили реестрдан унинг аризаси асосида чиқарилган тақдирда такрорий рўйхатдан ўтказиш, қўшимча аттестациядан ўтказмасдан, реестрдан чиқарилиш санасидан бошлаб беш йил мобайнида амалга оширилиши мумкин.

#### IV. Яқунловчи қоидалар

26. Патент вакили ўзига мурожаат қилган ҳар қандай шахс манфаатларини ифода қилиш ваколатига эга. Патент вакилининг ишларни олиб боришга ваколатлари унга номидан иш олиб бориладиган шахс томонидан берилган ишончнома билан тасдиқланади. Патент идораси олдида вакиллик қилишга ишончнома патент вакилига ишонч билдирувчи томонидан оддий ёзма шаклда берилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган жисмоний шахслар ва хорижий юридик шахслар томонидан ишончнома ишончнома тузилаётган мамлакатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда расмийлаштирилиши керак.

27. Патент вакили ишонч билдирувчидан унинг топшириғини бажариш муносабати билан оладиган ахборот, агар ишонч билдирувчи томонидан бошқача ҳолат махсус кўрсатилмаган бўлса ёки унинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиқмаса, махфий деб эътироф этилади.

Патент вакили, агар у манфаатлари ишни олиб бориш тўғрисида илтимос қилган шахс манфаатларига зид бўлган шахслар номидан мазкур иш бўйича вакиллик қилган бўлса ёки уларга маслаҳатлар берган бўлса ёхуд ишни кўриб чиқишда бошқача тарзда қатнашган бўлса, шунингдек агар ишни кўриб чиқишда патент вакилига қариндош бўлган мансабдор шахс қатнашган бўлса, топшириқни қабул қилишга ҳақли эмас.

28. Патент вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ патент вакиллари агентлигини ва бошқа ташкилотларни, шунингдек жамоат бирлашмаларини ташкил этишлари мумкин.

29. Патент вакилларини аттестациядан, рўйхатдан ўтказиш, рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш, гувоҳномалар бериш, қўшимча аттестация ўтказиш, реестрга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун Патент идораси томонидан Патент идораси белгилайдиган ва тегишли харажатларни қоплаш учун зарур бўлган миқдорларда тўлов ундирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 1 июлдаги 298-сон қарорига  
3-ИЛОВА

#### **Вазирлар Маҳкамасининг «Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» 2002 йил 14 октябрдаги 357-сон қарорига киритилаётган қўшимчалар**

1. Патент божлари тўғрисидаги низоมนинг (қарорга 1-илова) 9-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Апелляция кенгаши томонидан апелляция билан мурожаат қилган шахс фой-

дасига қарор қабул қилинган тақдирда Патент божлари ставкаларининг 6.1-бандига мувофиқ тўланган патент божлари қайтарилди».

2. Патент божлари ставкалари (қарорга 2-илова) қуйидаги мазмундаги 6-бўлим билан тўлдирилсин:

«6. Апелляция кенгаши томонидан апелляцияларни кўриб чиқиш

1	2	3	4	5
<b>6.1. Патент идораси қарорига апелляция бериш</b>				
6.1.1.	талабномаларни экспертизадан расмий ўтказиш натижасида қабул қилинган қарорлар юзасидан апелляция бериш	3	250	Апелляция бериш билан бир вақтда
6.1.2	Қуйидагилар натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар юзасидан апелляция бериш:			
	а) фойдали моделга талабномани экспертизадан ўтказиш	5	420	
	б) селекция ютуғининг янгилигига экспертизадан ўтказиш	5	420	
	в) ихтирога, саноат намунасига талабномани моҳиятан экспертизадан ўтказиш	7	590	
	г) селекция ютуғини фарқланиш, турдошлик ва барқарорлиги юзасидан синовдан ўтказиш д) кўрсатилган белгини, шу жумладан халқаро рўйхатдан ўтказиш предмети бўлган белгини экспертизадан ўтказиш	7	590	
<b>6.2. Ҳуқуқий муҳофаза берилишига қарши апелляция бериш</b>				
	Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқларига патент ёки интеграл микросхемалар топологиялари рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома берилишига қарши апелляция бериш	10	840	Апелляция бериш билан бир вақтда
<b>6.3. Муҳофаза ҳужжатининг амал қилишига қарши апелляция бериш</b>				
	Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқларига берилган патентларнинг ҳақиқийлигига қарши апелляция бериш Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига берилган, товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларнинг амал қилишини тўхтатиш ҳақида апелляция бериш Белгини халқаро рўйхатдан ўтказишнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилишига қарши апелляция бериш	15	1260	Апелляция бериш билан бир вақтда
<b>6.4. Товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилишини бекор қилиш тўғрисида апелляция бериш</b>				
	Товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилишини бекор қилиш тўғрисида апелляция бериш	10	840	Апелляция бериш билан бир вақтда
<b>6.5. Товар белгисининг Ўзбекистон Республикасида умум эътироф этилишини тан олиш тўғрисида апелляция бериш</b>				
	Товар белгисининг Ўзбекистон Республикасида умум эътироф этилишини тан олиш тўғрисида апелляция бериш	20	1680	Апелляция бериш билан бир вақтда



1	2	3	4	5
<b>6.6. Сўралаётган материалларни тақдим этиш муддатларини узайтириш</b>				
	Сўралаётган материалларни тақдим этиш муддатини узайтириш, узайтиришнинг ҳар бир ойи учун	1	84	Илтимоснома бериш билан бир вақтда

6-бўлим 7-бўлим деб ҳисоблансин».

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **104 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги ПФ–3270-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги ПФ–3270-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2003 йил 1 июлдан бошлаб савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи ставкалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун даромад солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки:

2003 йил 1 июлдан бошлаб савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тартиби ўзгарганлиги муносабати билан ушбу корхоналарда ўша даврда амал қилган тизимдан келиб чиққан ҳолда ўтган давр учун солиқлар тўлаш бўйича мажбуриятлар сақланиб қолади;

чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карталар қўлланган товар айланмаси ҳажмидан ялпи даромад солиғини амалдагига нисбатан 20 фоиз пасайтирилган ставка бўйича тўлайдилар.

4. Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари билан биргаликда истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун пластик карталардан фойдаланиш бўйича зарур миқдорда махсус жихоз ўрнатиш тавсия этилсин.

5. Белгилансинки, юридик шахслар томонидан банк кассасига топширилган нақд маблағларни қабул қилиш ва қайта ҳисоблаш учун, шунингдек уларга нақд маблағлар берилишида кўрсатиб ўтилган хизматлар учун тўлов ундирилмайди.

6. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Фармони амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 13 июндаги 208-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 31-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тартиби тўғрисида» 2002 йил 12 июлдаги 249-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 41-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 5 ноябрдаги 379-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 65-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 391-сон қарорининг 9-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 68-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2002 йил 30 декабрдаги 455-сон қарорига 4 ва 5-иловалар;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 16 июндаги 270-сон қарорига илованинг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан таклифлар киритсин;

бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари М.З. Усмонов ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2003 йил 2 июль,  
300-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 2 июлдаги 300-сон қарорига  
ИЛОВА

### Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғининг табақалаштирилган ставкалари

Солиқ тўловчилар	Корхоналар бўйича солиқ ставкалари (ялпи даромадга фоизларда)		
	Тошкент шаҳри ва шаҳарларда жойлашган корхоналар бўйича	Қишлоқ туманларида жойлашган корхоналар бўйича	бориш қийин бўлган тоғли туманларда жойлашган корхоналар бўйича
Улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари	20	18	16

Солиқ тўловчилар	Корхоналар бўйича солиқ ставкалари (ялпи даромадга фоизларда)		
	Тошкент шаҳри ва шаҳарларда жойлашган корхоналар бўйича	Қишлоқ туманларида жойлашган корхоналар бўйича	бориш қийин бўлган тоғли туманларда жойлашган корхоналар бўйича
Улардан: умумий овқатланишнинг умум- таълим мактабларига, мактаб- интернатларга, ўрта махсус, касб- хунар ва олий ўқув юрғларига хизмат кўрсатувчи ихти- сослаштирилган корхоналари	16	14	12

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**105** Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини та-  
комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда капитал қурилиш соҳасида товарлар, ишлар ва хизматлар харидининг ягона тизимини яратиш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш механизмининг янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

марказлаштирилган манбалар, давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган капитал қурилиш билан боғлиқ товарлар, ишлар ва хизматлар хариди фақат танлов савдолари натижалари бўйича амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

капитал қурилиш билан боғлиқ товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишда танлов савдолари мажбурий ўтказилиши учун буюртмачилар, танлов савдоларининг ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши учун эса қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танлов савдолари ташкилотчилари жавоб берадилар;

сифатли бажарилган ишлар ва хизматларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш юзасидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун шартнома шартларига мувофиқ буюртмачи моддий жавоб беради, шунингдек кўрсатиб ўтилган сабаблар натижасида солиқ органлари томонидан ҳисобланган, уларга тўланган жарималар ва пеняни пудратчига тўлиқ қоплайди;

танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномада назарда тутилган

шартларнинг ўзгариши, буюртмачи билан пудратчи ўртасида келишув мавжудлигидан қатъи назар, фақат улар белгиланган тартибда танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилгандан ва тасдиқлангандан кейин қабул қилинган деб ҳисобланади;

қурилишнинг амалдаги қийматини танлов савдолари натижалари бўйича шартномада белгиланган шартномавий нархга нисбатан камайтириш натижасида тежалган маблағлар пудрат ташкилотининг тасарруфида қолади.

3. Белгилансинки, хорижий пудрат ташкилотлари томонидан амалга оширилдиган ва эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланадиган хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига молиялаштирилдиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, агар халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан тузилган кредит шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, танлов ҳужжатларига ишлар (хизматлар) қийматининг камида 50 фоизи миқдоридан ишлар (хизматлар)ни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари — резидентлари иштирок этиши шартлари киритилади.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 305-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 48-модда) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 3 июль,  
302-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда  
танлов савдолари тўғрисида  
НИЗОМ**

**И. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом капитал қурилиш, шунингдек илгари тўхтатиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан боғлиқ ишлар ва хизматларнинг бутун комплексини (кейинги ўринларда матнда ишлар, хизматлар деб юритилади) бажариш, товарлар харид қилиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш юзасидан танлов савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида марказлаштирилган манбалар (давлатнинг капитал қўйилмалари), давлат бошқарув органлари

ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилишда мажбурий ҳисобланади.

3. 2-бандда санаб ўтилмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган қурилиш объектлари учун мазкур Низом талаблари тавсия хусусиятига эга бўлади.

4. Мазкур Низом, агар хорижий кредитлар ва грантлар бериш шартларига кўра ўзгача тартиб белгиланган бўлса, товарлар, ишлар ва хизматлар харидига жорий этилмайди.

5. Танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор буюртмачи томонидан фақат танлов савдолари предмети тегишли ҳужжатлар (кредит шартномаси, банк маълумотномаси, қурилишларнинг аниқ рўйхати, давлат бошқарув органи қарори ва бошқалар) билан тасдиқланган молиявий ресурслар билан таъминланган тақдирда қабул қилинади.

6. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилган:

**бошланғич нарх** — буюртмачи томонидан ёки унинг буюртмаси бўйича жалб этилган ташкилот томонидан аниқланадиган танлов савдолари предметининг ҳисоблаб чиқилган қиймати;

**баҳоловчи гуруҳ** — офертани баҳолаш учун танлов комиссияси томонидан ташкил этиладиган вақтинчалик орган;

**баҳоловчи комиссия** — эркин савдода харидни амалга оширишда буюртмачи томонидан ташкил этиладиган доимий ёки вақтинчалик орган;

**баҳолаш мезонлари** — талабгорларни танлаш ҳамда офертани баҳолаш ва савдолар қолибини аниқлаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар;

**буюртмачи** — инвестор ёки товарлар, ишлар ва хизматлар харидини амалга ошириш учун белгиланган тартибда инвестор томонидан белгиланган юридик шахс;

**талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш** — танлов савдоларида қатнашишга қўйиш учун талабгорларни танлаш;

**инвестор** — товарлар, ишлар ва хизматлар харидига ўз маблағларини ёки қарз олинган маблағларни (бюджетдан молиялаштиришда — назарда тутилган маблағларни) қўувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**капитал қурилиш** — янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, объектлар ва асосий воситаларни мукамал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш;

**танлов савдоларида иштирок этишга буюртманомаларни таъминлаш** — оферент томонидан буюртмачининг талабига кўра улар бўйича дастлабки мажбуриятни банк берадиган банк кафолати, топшириқ, захира аккредитивлар, чеклар шаклидаги танлов савдолари шартларида назарда тутилган исталган мажбуриятнинг, ёхуд таъминлашнинг бошқа турларида таъминланиши;

**талабгор** — офертаси савдо ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилгунга қадар таклиф этилган шартларда танлов савдоларида қатнашиш ниятини билдирган юридик ёки жисмоний шахс;

**танлов буюртманомаси акцепти** — унинг ютган офертаси эътироф этилган ҳолда оферентга юбориладиган ва шартнома тузишга таклиф ҳисобланадиган буюртмачининг ёзма билдиришномаси;

**танлов комиссияси** — мазкур Низомнинг 12-бандида санаб ўтилган функцияларни бажариш учун буюртмачи томонидан ташкил этиладиган доимий ёки вақтинчалик орган;

**танлов савдолари** — танлов ҳужжатларида назарда тутилган мезонлар ва шартларга мувофиқ товарнинг мақбул етказиб берувчисини, ишларни бажарувчини ва хизматлар кўрсатувчини танлаш усули;

**танлов савдолари предмети** — товарлар, ишлар ва хизматлар;

**танлов савдолари ташкилотчиси** — буюртмачи ёки танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш учун буюртмачи томонидан жалб этиладиган юридик шахс;

**танлов ҳужжатлари** — танлов савдоларининг техник, молиявий, тижорат, ташкилий тавсифлари ва бошқа тавсифлари тўғрисидаги ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш шартлари, тартиб-қоидалари тўғрисидаги дастлабки ахборот мавжуд бўлган ҳужжатлар туркуми;

**товар** — хом ашё, буюм, конструкция, асбоб-ускуналарга бутловчи буюмлар, қаттиқ, суюқ ёки газсимон ҳолатдаги предметлар, энергиянинг барча турлари, шунингдек етказиб бериладиган товарга қўшимча равишда кўрсатиладиган хизматлар, агар уларнинг қиймати товар қийматининг ўзидан ортиқ бўлмаса;

**оферент** — малака танловидан ўтган ва офертаси танлов савдолари ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилган талабгор;

**оферта** — танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тақдим этилган танлов савдолари предметига нисбатан талабгорнинг таклифи;

**шартномавий жорий нарх** — танлов савдолари натижалари бўйича белгиладиган танлов савдолари предмети нархи;

**шартнома бажарилишини таъминлаш** — буюртмачининг талабига кўра танлов савдолари ёлиби томонидан улар бўйича бирламчи мажбуриятни банк ўз зиммасига оладиган банк кафолати, топширик, захира аккредитивлар, чеклар шаклидаги, нақд маблағлардаги депозитлар, ёхуд бошқа шакллардаги депозитлар шаклидаги шартномадаги мавжуд мажбуриятлар бажарилишининг таъминланиши.

## II. Танлов савдолари қатнашчилари

7. Инвестор, буюртмачи, танлов савдолари ташкилотчиси, танлов комиссияси ва оферентлар танлов савдоларининг асосий қатнашчилари ҳисобланади.

8. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ёки бунингсиз танлов савдолари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

расмий фармойиш берувчи ҳужжат чиқарган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш шакли, тури ва санасини белгилаш;

танлов савдолари ташкилотчиси функциясини амалга ошириш (ушбу функцияларни жалб этиладиган ташкилотга бериши мумкин);

мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этган ҳолда танлов савдолари предметининг бошланғич қийматини белгилаш.

9. Буюртмачи қуйидаги функцияларни бажаради:

танлов комиссияси таркибини ва иш тартибини шакллантиради ва тасдиқлайди, унинг ишида қатнашади;

миқдори танлов ҳужжатларида қайд этиладиган аниқ танлов шартларига боғлиқ бўладиган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини белгилайди;

танлов савдоларининг ташкилотчиси бўлади (ушбу функцияларни жалб этиладиган ихтисослашган ташкилотга бериши мумкин);

танлов ҳужжатлари таркибини белгилайди;

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ва танлов савдоларига қўйиладиган асосий талабларни, танлов савдолари предметига қўйиладиган ва танлов ҳужжатлари таркибига киритиладиган махсус ва техник талабларни белгилайди;

белгиланган тартибда экспертизанинг ўтказилиши ва танлов ҳужжатлари

тасдиқланишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда танлов савдолари натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузади;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

Буюртмачи инвестор билан белгиланган тартибда тузилган шартномада назарда тутилган ваколатлар доирасида бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

10. Қўйидагилар танлов савдолари ташкилотчисининг асосий вазифалари ҳисобланади:

танлов савдолари ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилаш;

танлов савдолари предметига қўйиладиган махсус, техник ва тижорат талабларини ҳисобга олган ҳолда талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ва танлов савдоларини ўтказиш учун танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

белгиланган шакл бўйича танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонни матбуотда чиқариш ва/ёки потенциал талабгорларга таклифномалар юбориш;

агар танлов ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, аризалар ва оферталарни қабул қилиш, уларнинг ҳисобга олиниши ва махфийлигини таъминлаш;

жалб этиладиган буюртмачи билан шартнома асосида мустақил экспертлар ёки маслаҳатчиларнинг ишларини ташкил этиш;

талабгорларга танлов ҳужжатларини тақдим этиш;

оферталарнинг асл нусхаларини улар очилгандан кейин буюртмачига бериш.

11. Танлов савдоларини ташкил этиш учун ихтисослаштирилган ташкилот жалб этилган тақдирда танлов савдолари ташкилотчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у билан буюртмачи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

12. Танлов комиссияси қўйидаги функцияларни амалга оширади:

ўзининг иш тартибини белгилайди;

миқдори танлов ҳужжатларида қайд этилган танлов шартларига боғлиқ бўлган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини тасдиқлайди;

офертани қабул қилишнинг охириги куни ва вақтини, конвертларни очиш вақти ва жойини белгилайди;

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлайди, агар у танлов ҳужжатларида назарда тутилган бўлса;

тегишли равишда расмийлаштирган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш тартиб-қоидаларини амалга оширади;

ичида оферталар бўлган конвертларни очади, уларнинг танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади (ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилиши, расмийлаштириш ва ҳоказолар) ва конвертларни очиш тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди;

мустақил экспертларни (маслаҳатчиларни) жалб этиш зарурлигини белгилайди ёки танлов комиссияси аъзолари орасидан баҳолаш гуруҳини тузади;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ оферталарни ўрганади, текширади ва кўриб чиқади, танлов савдолари ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

танлов савдоларини ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқади ва тартибга солади ҳамда улар бўйича тегишли хулосалар чиқаради.

13. Танлов комиссияси аъзолари сони тоқ бўлиши керак.

Қоидага кўра, танлов комиссияси таркибига инвестор, буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, хизмат кўрсатувчи банк вакиллари киритилади.

Танлов савдолари предметига боғлиқ равишда танлов комиссияси таркибига лойиҳа, эксперт ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин.

14. Танлов комиссияси таркибида инвестор ва буюртмачининг вакиллари сони комиссия аъзолари умумий сонининг тўртдан бир қисмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

15. Агар мажлисда танлов комиссияси аъзоларининг камида тўртдан уч қисми қатнашса танлов комиссияси ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади.

16. Танлов савдоларини ўтказиш тартиб-қоидалари босқичлари бўйича қарор танлов таклифларини баҳолаш мезонларини ҳисобга олган ҳолда танлов комиссияси томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

17. Танлов комиссияси мажлисларида «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ваколатли вакили иштирок этади.

### III. Танлов савдолари шакллари

18. Танлов савдолари қуйидагиларга бўлинади:

очиқ танлов савдолари — оферентлар сони чекланмайди;

ёпиқ танлов савдолари — оферентлар сони чекланади.

Ёпиқ танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

19. Очиқ ёки ёпиқ танлов савдолари талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланган ҳолда ёки аниқланмасдан, ёхуд икки босқичли бўлиши мумкин.

Талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдоларининг биринчи тури, танлов савдоларининг қолибини аниқлаш — унинг иккинчи тури ҳисобланади.

20. Талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланадиган очиқ ёки ёпиқ танлов савдолари ўтказишда талабгорларнинг умумий рўйхати тузилади, талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланади ва малакаси олдиндан аниқланган талабгорлар ўртасида танлов савдолари ўтказилади.

21. Икки босқичли танлов савдолари:

буюртмачи танлов савдолари предметининг аниқ тавсифини ва ўзига хослигини шакллантириш имкониятига эга бўлмаган;

шартномада ишларни уларнинг рентабеллигини таъминлаш учун етарли бўлган ёки тадқиқ этиш ёки ишлаб чиқишга сарфланган харажатлар қопланишини таъминлайдиган ҳажмларда бажариш назарда тутилган ҳоллардан ташқари, буюртмачи илмий тадқиқотлар, экспериментлар ўтказишга, қидирувлар ёки ишланмалар юзасидан шартнома тузиш ниятида бўлган ҳолларда ўтказилади.

22. Икки босқичли танлов савдолари қуйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда концептуал қарор ва техник, тижорат жиҳатидан аниқланиши ва тузатилиши керак бўлган, танлов ҳужжатларида кўрсатилган шартлар асосида ишлаб чиқилган оферта баҳоси кўрсатилмаган ҳолда тақдим этилади. Танлов савдолари предмети параметрлари бўйича оферент билан музокаралар олиб бори-



лишига йўл қўйилади. Оферталарнинг умумий сонидан танлов савдоларининг иккинчи босқичида қатнашишга йўл қўйиладиган оферталар танлаб олинади;

иккинчи босқичда танлов савдолари предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳоси мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда оферталари танлов савдоларининг иккинчи босқичига ўтган қатнашчиларнинг таклифлари ва буюртманомалари берилган ҳолда танлов ҳужжатларига тузатиш киритилади.

Икки босқичли танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

23. Ёпиқ танлов савдолари ишлар ва хизматлар юқори даражада мураккаблиги (ёки тор ихтисослашуви) билан фарқланадиган ва фақат пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг чекланган сони билангина бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда ташкил этилади.

24. Ёпиқ танлов савдоларини ўтказишда танлов савдолари ташкилотчиси пудратчилар (етказиб берувчилар) умумий сонидан олдиндан етарлича малака маълумотларига эга бўлганларни, бироқ уларнинг камида учтасини танлайди ва уларга танлов савдоларида қатнашишга таклифнома юборади.

25. Агар пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг умумий сони иккитадан ортиқ бўлмаса, у ҳолда таклифнома уларнинг ҳар иккаласига юборилади ва танлов савдолари уларнинг иштирокида ўтказилади.

Улардан бири рад этган тақдирда танлов шартлари аниқлаштирилган ва/ёки унга тузатишлар киритилган ҳолда такрорий танлов савдолари эълон қилинади.

26. Ёпиқ танлов савдоларини ташкил этишда матбуотда эълон берилмайди, танлов савдолари таклиф этилган талабгорлар ўртасида ўтказилади.

27. Танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 25 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этган ҳолларда улар:

харид қилинадиган товар, ишлар ва хизматларнинг тавсифи, миқдори, бажариш муддатлари ва товарни етказиб бериш пункти кўрсатилган ҳолдаги таклифларни талабгорларга юбориш;

етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан эълон қилинган баҳо ва тавсифларни таққослаш йўли билан эркин савдода амалга оширилиши мумкин.

28. Эркин савдода харид қилишда таклифларнинг етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан алоқа каналлари орқали ёзма шаклда тақдим этилишига йўл қўйилади.

29. Эркин савдода харид қилишда етказиб берувчи ёки пудратчини танлаш баҳолаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

30. Баҳолаш комиссияси буюртмачи томонидан камида беш нафар ваколатли мутахассисдан иборат таркибда тайинланади. Баҳолаш комиссиясининг қарори протокол билан расмийлаштирилади.

31. Қуйидаги ҳолларда:

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори мавжуд бўлганда;

харид қилинадиган товар (иш, хизматлар) ягона етказиб берувчи (пудратчи) томонидан ишлаб чиқарилса (реализация қилинса);

импорт товар Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан келишган ҳолда харид қилинганда шартноманинг тўғридан-тўғри тузилишига йўл қўйилади.

32. Агар танлов савдолари предметининг бошланғич қийматига нисбатан танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмаса, бундай ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар мустақил лотларга бўлинган ҳолда битта танлов савдоларига бирлаштирилади, бунда волиб, коидага кўра, ҳар бир лот бўйича аниқланади.

33. Буюртмачининг асосланган қарорига мувофиқ танлов савдолари предмети-ни лотларга бўлган ҳолда танлов савдолари ўтказилишига йўл қўйилади (қурилиш ва монтаж ишлари, асбоб-ускуналарни харид қилиш ва монтаж қилиш, юкларни транспортда ташиш ва ҳоказо).

Бунда голиб, қоидага кўра, ҳар бир лот бўйича аниқланади, бош пудратчи ташкилот функциясини буюртмачи бажаради ва лойиҳада назарда тутилган ишлар ва хизматларнинг бутун комплекси бажарилиши учун жавоб беради. Инвестор ва/ёки буюртмачи товарларни харид қилишда танлов савдолари предмети бўлиниши учун жавоб беради.

34. Танлов савдоларини кейинчалик танлов савдолари предмети учун назарда тутилмаган турлар бўйича ўтказиш имконини берувчи унинг қийматини пасайтириш мақсадида танлов савдолари предметини онгли равишда бўлишга йўл қўйилмайди.

#### **IV. Талабгорга қўйиладиган малака талаблари**

35. Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорга қўйидаги малака талаблари қўйилади:

танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; устав сармоясининг миқдори;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорига буюртмачи томонидан белгилан-диган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

36. Агар танлов савдолари предмети ҳисобланадиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлса белгиланган тартибда берилган тегишли лицензияга эга бўлган талабгорлар танлов савдоларида қатнашишга қўйилади.

37. Танлов комиссияси талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир.

38. Талабгорларга танлов савдоларида қатнашишга малака талаблари танлов ҳужжатлари таркибида кўрсатиб ўтилади.

39. Малака талабларига мувофиқ талабгорлар томонидан тақдим этиладиган маълумотларни баҳолаш танлов ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

40. Танлов комиссияси:

талабгорларнинг ўз интеллектуал мулкани ёки тижорат сирини муҳофаза қилиш ҳуқуқини бузишга;

талабгорлар (оферентлар)нинг танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган малака маълумотларига нисбатан мезонлар ва талабларни белгилашга ҳақли эмас.

41. Таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади.

42. Буюртмачининг тор ихтисослашган пудратчи ташкилотлари очик танлов савдоларида умумий асосларда қатнашадилар, ёпиқ танлов савдоларида эса танлов савдолари ташкилотчиси камида иккита чет қатнашчини таклиф қилиши шарт.

43. Малака маълумотлари тўғрисида нотўғри ахборот аниқланган тақдирда танлов комиссияси қарори билан талабгор (оферент) бундан кейин танлов савдолари тартиботида қатнашишдан четлатилади.

44. Малака маълумотлари тўғрисида танлов савдолари натижасига таъсир қилмайдиган унчалик муҳим бўлмаган ноаниқликлар мавжуд бўлган ахборотни тақдим этган талабгор (оферент)га танлов комиссияси қарори билан аниқланган ноаниқликларни унинг офертасини кўриб чиқиш давомида тузатишига рухсат этилиши мумкин.

45. Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар танлов савдолари тартиботларида қатнашишга қўйилмайди.

#### **V. Танлов савдоларини ўтказишга тайёргарлик**

46. Танлов савдолари ташкилотчиси танлов савдолари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради ёки потенциал пудратчиларга (етказиб берувчиларга) танлов савдоларида қатнашишга таклифнома жўнатади.

47. Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонда ёки танлов савдоларида қатнашишга таклифномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- танлов савдолари ташкилотчисининг номи ва манзили;
- танлов савдолари предметини маблағ билан таъминлаш манбалари;
- танлов савдолари предметининг тавсифи ва уни сотиш жойи;
- танлов савдолари предметини сотиш муддати;
- талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар;
- танлов ҳужжатларини сотиб олиш жойи ва унинг учун тўлов миқдори;
- оферталарни тақдим этиш жойи, охириги куни ва вақти;
- оферталарни очиш жойи, куни ва вақти.

Танлов савдолари ва /ёки талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Буюртмачининг қарорига кўра хорижий пудратчилар (етказиб берувчилар) танлов савдоларида қатнашишга таклиф этилиши мумкин. Бунда эълон, қоидага кўра, энг оммавий даврий нашрларда, газеталарда, web-сайтда ва /ёки БМТнинг Development Business нашрида, шунингдек хорижий мамлакатларнинг элчихоналари орқали таклифномалар жўнатиш воситасида амалга оширилади.

48. Оферталарни тақдим этиш муддати эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб камида ўттиз кунни ёки таклифномалар жўнатилган кундан бошлаб ўттиз беш кунни ташкил этиши керак.

49. Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълон фақат танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина чоп этилиши мумкин.

#### **VI. Танлов ҳужжатларининг таркиби, тузилиши, уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби**

50. Танлов ҳужжатлари, қоидага кўра, уч қисмдан: умумий, техник ва тижорат қисмидан иборат бўлади.

51. Умумий қисмга қуйидагилар киради:

танлов савдоларида қатнашишга таклифнома;  
товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш юзасидан шартноманинг умумий шартлари;

талабгорларнинг танлов савдоларида қатнашишга буюртманомалари шакли;  
талабгорнинг малакасини ҳамда унинг техник ва молиявий аҳволини баҳолаш талаблари ва мезонларини, таклифларни молиявий баҳолаш ва танлов савдолари голибини аниқлаш мезонлари, танлов савдолари тартиботига тааллуқли бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган йўриқнома.

52. Техник қисм Қуриш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш, лойиҳалаш, қурилиш объектлари учун материаллар, конструкциялар ва жиҳозлар харид қилишга доир танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

53. Танлов ҳужжатларининг тижорат қисми ишлар (хизматлар)ни бажариш ва/ёки товарни етказиб бериш шартларидан, маблағ билан таъминлаш манбалари ва шартларидан, танлов савдолари предметини сотиш муддатидан, шартнома лойиҳасидан иборат бўлади.

54. Буюртмачи томонидан эълон қилинган нарх билан танлов савдолари ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда танлов савдолари предметининг бошланғич нархи эълон ва таклифномада кўрсатилади. Бунда танлов савдолари танлов савдолари предметининг бошланғич нархини пасайтириш юзасидан ўтказилади.

55. Оферталарни тақдим этиш тартиби танлов ҳужжатларида белгиланади.

Тақдим этилаётган оферта танлов ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ бўлиши керак.

56. Хорижий пудрат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ва эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланадиган хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, агар халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан тузилган кредит шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, танлов ҳужжатларига ишлар (хизматлар) қийматининг камида 50 фоизи миқдорида ишлар (хизматлар)ни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари — резидентлари иштирок этиши шартлари киритилади.

57. Танлов ва талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларига, офертани жойлашга ва маркировка қилишга, таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларига шартлар ва талаблар танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Оферталарни тақдим этиш муддати тугагунгача танлов савдолари ташкилотчиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир, ташкилотчи улар тўғрисида танлов ҳужжатларини олган талабгорларга дарҳол хабар қилиши, оферталарни тақдим этиш муддатини офертага тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақтга узайтириши керак.

58. Танлов ҳужжатлари улар учун тўлов тўлангандан кейин тақдим этилади.

Тўлов миқдори буюртмачи ва/ёки танлов савдолари ташкилотчиси томонидан, танлов ҳужжатларини кўпайтириш ва тарқатиш қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

59. Танлов савдолари ташкилотчиси талабгорнинг сўровига кўра танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ бўлган саволларга ёзма равишда жавоб бериши, танлов савдоларининг барча қатнашчиларига жавобни сўров манбаини кўрсатмасдан юбориши шарт.

60. Танлов савдоларининг асосий қатнашчилари ва /ёки талабгорлар ўртасида хабарлар, билдиришномалар ва бошқа ахборотларни алмашиш танлов ҳужжатлари таркибида тасдиқланган шакл бўйича ёзма равишда амалга оширилади.

### **VII. Оферталарни тақдим этиш**

61. Офертанинг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Оферта уни тақдим этишнинг охири куни ва вақти тугагунгача қайтариб олиниши мумкин.

62. Талабгорнинг имзоси ва муҳри қўйилган оферта савдолар ташкилотчисига конвертга солиб елимланган ҳолда жўнатилади.

63. Тақдим этиш муддати тугагандан кейин олинган оферта кўриб чиқилмайди.

Офертани тақдим этиш санаси танлов савдолари ташкилотчисининг почта билдиришномасидаги оферта олинганлиги тўғрисидаги қайд бўйича ёки танлов савдолари ташкилотчисининг оферентга берилган (оферта чопар орқали етказиб бериладиган ҳол) оферта олинганлиги тўғрисидаги билдиришномаси санаси бўйича белгиланади.

64. Талабгор оферта таркибида танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани танлов ҳужжатларида кўрсатилган, лекин танлов савдолари предмети ҳисоблаб чиқилган қийматининг кўпи билан 2 фоизи миқдорида таъминлашни тақдим этади.

Таъминлашнинг амал қилиш муддати офертанинг амал қилиш муддатидан кам бўлмаслиги керак.

65. Буюртмачи танлов ҳужжатларида таъминлаш кафилининг ишончилиги бўйича талабларни, унинг шакллари ва танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлашдан фойдаланиш тартибини белгилаши мумкин.

66. Танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш:

танлов савдолари қолибига — шартнома тузилгандан кейин, шартнома ижросини талаб қилинадиган таъминлаш тақдим этилгач;

қолган оферентларга — танлов савдолари қолиби билан шартнома тузилгандан кейин, лекин офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

офертани қайтариб олган оферентга — уни тақдим этишнинг охири куни ва вақти тугагунгача қайтарилади.

Буюртманомани таъминлаш уни қайтариш учун асос пайдо бўлган вақтдан бошлаб ўн кун мобайнида қайтарилади.

67. Танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш:

офертани тақдим этишнинг охири куни ва вақти тугагач офертани ўзгартирган ёки уни қайтариб олган оферентга;

танлов савдолари қолибига — оферта унинг амал қилиш даврида қайтариб олинганда, танлов ҳужжатларида белгиланган шартларда шартнома тузиш ёки шартнома ижросининг талаб қилинадиган таъминланишини тақдим қилиш рад этилганда қайтарилмайди.

### **VIII. Танлов савдоларини ўтказиш ва уларни якунлаш**

68. Танлов савдолари, қоидага кўра, буюртмачи жойлашган жойда ўтказилади.

69. Танлов комиссияси мажлиси ушбу Низомнинг 48-бандида белгиланган муддат тугагандан кейин ўтказилади.

Мажлис вақтида оферталар солинган конвертлар очилади, шартлар ва тарти-

ботларга риоя қилиниши, танлов ҳужжатларида кўрсатилган ҳужжатларнинг мавжудлиги текширилади.

70. Оферталар солинган конвертларни очиш қатнашиш истагини билдиришган оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Танлов комиссияси мажлиси натижалари протокол билан расмийлаштирилади.

Танлов комиссияси мажлислари натижалари тўғрисидаги ахборот қатнашмаган оферентга ёзма шаклда етказилади.

71. Ҳужжатлар пакетига танлов ҳужжатлари талабларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан оферентга қайтарилади.

72. Танлов комиссияси танлов ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга номувофиқлигини ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларни улар бошқа қатнашчиларнинг рейтингига таъсир кўрсатмайдиган ва уларга йўл қўйган танлов савдолари қатнашчисига устунлик бермайдиган ҳолларда эътиборга олмаслиги мумкин.

73. Танлов ҳужжатлари шартларига жавоб берадиган оферталар бўйича оферентнинг исми (номи), малака маълумотлари, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатлари, шунингдек оферент томонидан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ киритилган қўшимча таклифлар ҳисобга олинади.

74. Танлов комиссияси мажлисида офертани кўриб чиқиш давомида оферент томонидан офертанинг мазмуни тушунтириб берилишига йўл қўйилади.

Бунда офертанинг мазмуни, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

75. Офертада арифметик хатолар мавжудлиги аниқланган тақдирда сўзлар билан кўрсатилган якуний сумма тўғри миқдор сифатида қабул қилинади.

76. Савдоларнинг туридан қатъи назар, танлов савдолари ғолиби танлов комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Танлов савдолари ғолиби танлов савдолари қатнашчилари иштирокида эълон қилинади, иштирок этмаган қатнашчилар хабардор қилинади.

77. Оферталарни кўриб чиқиш, баҳолаш ва таққослаш натижалари тўғрисидаги ахборот ошкор қилинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

78. Танлов комиссиясининг ҳар бир мажлисида протокол юритилади.

Қоидага кўра, бу — талабгор малакасини олдиндан аниқлаш, конвертларни очиш, танлов савдолари ғолибларини аниқлаш ва танлов савдолари ўтказиш тартиботи билан боғлиқ бўлган бошқа протоколлардир.

79. Танлов савдолари буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин тугалланган ҳисобланади.

80. Буюртмачи «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишилган кундан бошлаб беш кун муддатда оммавий ахборот воситаларида танлов савдолари натижалари (предмети, ғолиби, инвестиция лойиҳасининг шартномавий нархи ва уни амалга ошириш муддати) тўғрисидаги ахборотни эълон қилади.

81. Танлов савдолари агар:

оферталарни тақдим этиш муддатида учтадан кам оферта тушса, ушбу Низомнинг 25-бандида кўрсатилган ҳоллардан ташқари;

оферталар танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;

оферталарда танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш кафолати мавжуд бўлмаса;

оферентлар томонидан таклиф этилган нархлар танлов савдолари предмети бошланғич қийматидан анча ортиқ бўлса;

«Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишув бўйича танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар пайдо бўлса ўтказилмаган ҳисобланади.

82. Танлов савдоларининг ўтказилмаган деб эълон қилиниши асосий қатнашчилардан биронтасининг мулкӣ ёки бошқача тусдаги жавобгарлигига олиб келмайди.

83. Агар танлов савдолари ўтказилмаган деб эътироф этилса танлов савдолари такроран ўтказилади, бунда танлов ҳужжатлари шартларининг қайтадан кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

84. Танлов савдолари ташкилотчиси улар тугаллангандан кейин танлов савдолари ғолибига беш кундан кечикмай ёзма билдиришнома жўнатади.

85. Шартнома танлов савдолари ғолиби билдиришномани олган кундан бошлаб ўн кун муддатда тузилади.

86. Агар танлов савдолари ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки шартнома ижросини таъминлашни белгиланган муддатда тақдим этмаса, у ҳолда буюртмачи танлов комиссияси билан биргаликда офертаси иккинчи баҳони олган оферентни танлов савдолари ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорӣ танлов савдолари ўтказишни тайинлаши мумкин.

87. Шартнома ижросини таъминлаш миқдори буюртмачи томонидан, лекин танлов савдоларида белгиланган қийматнинг кўпи билан 10 фоизи миқдорида белгиланади.

88. Танлов савдолари натжалари бўйича тузилган, эркин муомаладаги валютада амалга ошириладиган шартномани рўйхатдан ўтказиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида амалга оширилади.

#### **IX. Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби мониторинги**

89. Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, танлов савдоларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда унинг методлари ва усулларининг асосланганлигини аниқлаш, танлов савдоларини ташкил этиш, танлов савдоларини ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя қилиш мониторинги «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

90. Танлов ҳужжатлари экспертизаси шартнома асосида ўтказилади.

Танлов савдолари ташкилотчиси томонидан танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шартларига ҳамда ушбу Низомга риоя қилиниши танлов ҳужжатлари экспертизаси предмети ҳисобланади.

91. Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

танлов савдолари предмети ва ташкилотчиси тўғрисидаги маълумотлар;

танлов ҳужжатлари;

танлов комиссиясини тайинлаш ва унинг таркиби тўғрисидаги буйруқ;

молиявий ресурсларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар (кредит шартномаси, банк маълумотномаси, қурилишларнинг аниқ манзилли рўйхати, давлат бошқарув органи қарори ва бошқалар). Зарур ҳолларда экспертиза органи савдолар ташкилотчисидан қўшимча маълумотларни сўраб олади.

Импорт товарлар (ишлар ва хизматлар)ни харид қилишда буюртмачи танлов ҳужжатлари таркибида Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг нархлар конъюнктураси бўйича хулосасини тақдим этади.

92. Танлов ҳужжатлари экспертизаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томо-

нидан тасдиқланган Қурилиш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш, лойиҳалаш, қурилиш объектлари учун материаллар, конструкциялар ва жиҳозлар харид қилишга доир танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ ўтказилади.

93. Танлов ҳужжатлари экспертизаси ва экспертиза органи томонидан тегишли хулосани бериш ушбу Низомнинг 91-бандида санаб ўтилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади.

Такрорий экспертиза беш кун муддатда ўтказилади.

94. Қўйидагилар мониторинг объекти ҳисобланади:

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, шартнома тузиш;

лойиҳани амалга оширишда танлов савдолари шартларининг бажарилиши;

ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларининг ижроси;

қурилиши тугалланган объектни ўз вақтида фойдаланишга топшириш.

95. Мониторинг буюртмачи ва пудратчи томонидан томонларнинг танлов савдолари шартларини бажариши тўғрисида «Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳудудий бошқармасига ҳар ойда тақдим этиладиган ахборотларни таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади.

Танлов ҳужжатларига буюртмачи ва пудратчи томонидан ахборотлар тақдим этиш бўйича мажбуриятларни киритиш танлов савдолари шартларининг узвий қисми ҳисобланади.

Мониторинг натижаларини умумлаштириш «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

96. «Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумотномани таклифлар билан бирга тақдим этади.

## **X. Нархларга тузатишлар киритиш ва суғурта**

97. Танлов савдоларида белгиланган нарх қатъий нарх ҳисобланади.

98. Биринчи молиявий йил мобайнида нархларга ҳамда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш юзасидан шартномани бажариш муддатига тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

99. Иккинчи йил ва ундан кейинги йиллар учун шартнома нархларига тузатишлар киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

100. Танлов савдолари голиби қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда объект қурилишининг суғурта қилинишини таъминлайди.

## **XI. Танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари**

101. Танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар шартнома асосида амалга оширилади.

102. Танлов савдолари танлов савдолари предметини сотишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли бекор қилинган тақдирда уларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар амалдаги харажатлар бўйича буюртмачи томонидан қопланади.

## **XII. Танлов савдолари қатнашчиларининг жавобгарлиги**

103. Танлов савдолари қатнашчилари қонун ҳужжатларига ва ушбу Низом талабларига мувофиқ жавоб берадилар.



104 Буюртмачи:

танлов комиссиясини шакллантиришда унинг таркибига оид талабларга риоя этилиши;

танлов савдолари предмети учун назарда тутилмаган шакллар бўйича танлов савдоларини амалга ошириш имконини берадиган унинг қийматини камайтириш мақсадида танлов савдолари предметини бўлишга йўл қўйилиши;

танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузиш муддатининг бузилиши;

шартномада келишилган муддатларда физик, сифатга доир ва техник параметрлар бўйича шартнома шартларининг бажарилмаганлиги;

танлов шартларининг бажарилиши мониторинги учун нотўғри ахборот тақдим этилганлиги;

томонлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши тугаллангандан кейин уч йил мобайнида оферталар оригиналларининг сақланмаганлиги;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиботларининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

Агар унинг учун қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома тузиш шарт бўлган буюртмачи шартномани тузишдан воз кечса ёки бош тортса танлов савдолари ғолиби шартномани тузиш ёки етказилган зарарни ва бой берилган фойдани ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилади.

105. Танлов савдолари ташкилотчиси:

оферталар тақдим этиш муддати тугагунгача танлов ҳужжатларига танлов ҳужжатларини олишган талабгорларга ўз вақтида хабар қилмасдан ва офертага тузатишлар киритиш учун етарли бўлган вақт учун оферталарни тақдим этиш муддатини узайтирмасдан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонни танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосасисиз чоп этганлик;

аризалар ва оферталарни қабул қилиб олишни рад этганлик, уларни ҳисобга олишни таъминламаганлик, конвертларни очишгача уларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминламаганлик;

танлов савдоларини ўтказиш тартиботи бузилганлиги;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

106. Танлов комиссияси:

танлов савдоларини ўтказиш тартиботлари босқичлари бўйича кам овоз билан ва/ёки танлов таклифларини баҳолаш мезонларини ҳисобга олмасдан қарор қабул қилинганлиги;

талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишнинг асоссиз талаб қилиниши;

талабгорларнинг ўз интеллектуал мулки ёки тижорат сирини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқи бузилганлиги;

талабгорлар (оферентлар)нинг малака маълумотларига нисбатан танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар ва талаблар белгиланганлиги;

танлов савдоларида қатнашишга:

муассислик ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг;

қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорларнинг қўйилганлиги;

талабгор (оферент)нинг танлов савдолари тартиботида қатнашишдан асоссиз равишда четлатилганлиги;

танлов савдоларининг бошқа қатнашчилари рейтингига таъсир қилмайдиган, уларга йўл қўйган танлов савдолари қатнашчисига устунлик бермайдиган ҳолларда танлов ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларга номувофиқлиги эътиборга олинганлиги;

оферта мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва тузатишларга йўл қўйилганлиги, шу жумладан нархлар ёки бажариш муддати ўзгартирилганлиги;

офертани танлов комиссияси мажлисида кўриб чиқиш давомида оферентнинг тушунтириш беришига асоссиз равишда йўл қўйилмаганлиги;

ахборотнинг ошқор қилинганлиги, савдолар қатнашчиларининг ўзаро ёки жалб этилган мутахассислар билан келишувига йўл қўйилганлиги, шунингдек қонунга зид бошқа хатти-ҳаракатлар қилинганлиги;

танлов савдолари ғолибининг танлов комиссиясининг очиқ мажлисида аниқланганлиги, танлов савдолари ғолибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги, иштирок этмаган қатнашчиларнинг ўз вақтида хабардор қилинмаганлиги;

танлов савдолари тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

107. Танлов савдолари ғолиби:

физик, сифатга доир ва техник параметрлар бўйича шартнома шартларининг шартномада назарда тутилган муддатларда бажарилмаганлиги;

танлов шартларининг бажарилиши мониторинги натижаларининг бузилганлиги;

танлов шартлари ва шартноманинг бошқача бузилишлари учун жавоб беради;

Агар танлов савдолари ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартнома бажарилиши таъминланишини тақдим этмаса, у ҳолда буюртмачи танлов комиссияси билан биргаликда офертаси иккинчи баҳони олган оферентни танлов савдолари ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов савдолари ўтказишни тайинлаши мумкин.

108. Танлов савдолари тартиботидан келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар, буюртмачи, савдолар ташкилотчиси ёки танлов савдолари бошқа қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлар юзасидан шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **106** Корпоратив бошқарув марказини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ–3202-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда хўжалик жамиятлари раҳбар бўғинларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, корпоратив бошқарув шароитларида корхоналарни бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг таркибий бўлинмаси сифа-

тида Корпоратив бошқарув ўқув маркази (кейинги ўринларда матнда Марказ деб юритилади) ташкил этилсин.

2. Қўйидагилар Корпоратив бошқарув марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

акциядорларни, кузатув кенгашлари ва тафтиш комиссиялари аъзоларини корпоратив бошқарув, молиявий ва ишлаб чиқариш жиҳатидан таҳлил қилиш, корхона ва унинг ижро этувчи органлари фаолиятини назорат қилиш усулларига ўқитиш;

акциядорлик жамиятларининг бошқарув ижро этувчи органлари раҳбар ходимларини менежмент ва маркетингнинг замонавий усуллари бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

профессионал бошқарувчи компаниялар ходимлари, давлатнинг ишончли вакилларини ва ишончли бошқарувчиларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш;

хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозори, монополияга қарши тартибга солиш соҳасида ва бошқа иқтисодий тузилмаларда ишловчи мутахассисларнинг касб даражасини ошириш.

3. Қўйидагилар:

Корпоратив бошқарув марказининг ходимларнинг чекланган сони 14 кишидан иборат бўлган (ёрдамчи ходимлардан ташқари) ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув маркази тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Корпоратив бошқарув маркази раҳбари айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби директорининг ўринбосари ҳисобланади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Марказга тингловчилар хўжалик юритувчи субъектлар буюртманомаларига кўра қабул қилинади;

Корпоратив бошқарув марказида ўқитиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби томонидан тасдиқланган ўқув дастурларига ва уларни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган харажатларга мувофиқ тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

тўлов-контракт асосида ўқитиш учун олинган маблағлар, республика ташкилотлари ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Хусусийлаштириш, бозор тузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш сарф-харажатлари учун назарда тутилган маблағлари Марказ фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбалари ҳисобланади;

Корпоратив бошқарув марказида ўқишни муваффақиятли тугатган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат берилади;

Корпоратив бошқарув марказининг доимий ишловчи профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимлари моддий-маиший шарт-шароитлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимларига тенглаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Корпоратив бошқарув марказига зарур ўқув ва моддий-техника базасини яратиш, Корпоратив бошқарув маркази биноларини таъмирлаш учун 100,0 млн. сўм ажратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқа-

лар ва хорижий инвестициялар департаменти Корпоратив бошқарув марказига халқаро ташкилотлар грантларини жалб қилишда кўмаклашсин.

7. Корпоратив бошқарув маркази қўйидаги манзилга жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 59-уй.

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Махсусқотишма» республика ташкилоти билан биргаликда кўрсатиб ўтилган бинонинг умумий майдони 1100 кв. метр бўлган учинчи қаватини Корпоратив бошқарув маркази балансига берсин.

«Ўзрангметлойиҳа» лойиҳалаштириш институти «Махсусқотишма» республика ташкилоти балансига учинчи қаватда «Махсусқотишма» республика ташкилоти бўшатаётган майдонга тенг миқдорда бинонинг бўш майдонларидан берсин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Корпоратив бошқарув марказини кутубхонани тўлдириш учун босма ва китоб маҳсулотларининг (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, тарихий нашрлар) назорат нусхаларини (1 нусха) олувчи ташкилотлар рўйхатига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Корпоратив бошқарув марказини иқтисодий таҳлил ва корхоналарда корпоратив бошқарув дастурларини моделлаштириш учун ахборот бюллетенларини олувчи ташкилотлар рўйхатига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида Олий бизнес мактаби ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 18 майдаги 222-сон қарорига қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

3-банднинг учинчи хатбошидаги «40 кишидан» сўзлари «55 кишидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг охириги хатбошидаги «икки нафар ўринбосари» сўзлари «уч нафар ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.


10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 4 июль,  
304-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 4 июлдаги 304-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат  
ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес  
мактабининг Корпоратив бошқарув марказининг  
ташкилий тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 4 июлдаги 304-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва  
жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес  
мактабининг Корпоратив бошқарув маркази тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув ўқув маркази (кейинги ўринларда матнда Марказ деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармониға мувофиқ ташкил этилган ҳамда хўжалик жамиятлари учун раҳбар кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича Олий бизнес мактабининг таркибий таълим бўлини ҳисобланади.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлиснинг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби тўғрисидаги низомға ва мазкур Низомға амал қилади.

**II. Марказ фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

3. Марказ Олий бизнес мактабининг ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалға оширувчи таркибий бўлини ҳисобланади. Марказнинг тўлиқ номи: ўзбек тилида — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг корпоратив бошқарув маркази;

рус тилида — Центр корпоративного управления Высшей школы бизнеса при Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан;

инглиз тилида — The Center for Corporate Management of the Higher School of Business under the Academy of state and social construction under the President of the Republic of Uzbekistan.

5. Марказнинг манзили: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 59.

**III. Марказнинг мақсад ва вазифалари**

6. Республикада амалға оширилаётган демократик қайта ўзгартиришлар ва иқтисодий ислохотлар вазифалари ва устуворликларини ҳисобға олган ҳолда илғор халқаро дастурлар асосида хўжалик жамиятлари корпоратив бошқаруви раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказнинг асосий мақсади ҳисобланади.

7. Олдинга қўйилган мақсадларга эришиш учун Марказга қуйидаги вазифалар юкланган:

хўжалик жамиятларининг кузатув кенгашлари ва тафтиш комиссиялари аъзоларини корпоратив бошқарув принципларига, молиявий ва ишлаб чиқариш таҳлили усулларига, корхоналар ижро этувчи органлари фаолиятини назорат қилишга ўқитиш;

хўжалик жамиятлари бошқаруви ижро этувчи органлари аъзоларини менежмент ва маркетингнинг илғор усуллари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи асослари, бошқарувнинг корпоратив шакллари бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

профессионал бошқарувчи компаниялар ходимларини, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозори, монополияга қарши ва тангликка қарши тартибга солиш соҳасида, давлатнинг бошқа иқтисодий тузилмаларида ишловчи мутахассисларнинг касб даражаси ва малакасини ошириш;

корхоналар молия-хўжалик фаолиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида илғор хорижий ва Ватанимиз тажрибасини умумлаштириш асосида тавсиялар, қўлланмалар ва ички корпоратив ҳужжатлар намуналарини ишлаб чиқиш;

Марказ ўқитувчилари ва тингловчиларининг корпоратив бошқарув соҳасида хорижий ўқув марказлари ва индустриал марказларда илғор жаҳон тажрибасини ўрганиш бўйича халқаро ташкилотлар ва институтлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш;

Марказнинг ўқув жараёнига етакчи хорижий илмий ва ўқув юртлари профессорлари ва мутахассисларини жалб этиш, ўқув ва моддий-техника базани мустаҳкамлаш, кутубхона фондини барпо этиш учун халқаро ташкилотларнинг грантларини жалб этиш;

корпоратив бошқарув принципларини жорий этиш, ички корпоратив ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича хўжалик жамиятларига шартнома асосида маслаҳат хизматлари кўрсатиш, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларни тушунтириш бўйича мавзули семинарлар ва давра суҳбатларини, шу жумладан республика минтақаларида ташкил этиш ва ўтказиш;

корпоратив бошқарув назарияси ва амалиёти бўйича тадқиқотлар олиб бориш, ҳам йирик, ҳам ўрта ва кичик корхоналар, шу жумладан қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик тузилмалари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни такомиллаштириш учун ўқув, методик, маълумотнома ва ахборот материалларини ишлаб чиқиш;

Корпоратив бошқарув маркази тингловчилари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ўқув ва маслаҳат адабиётларининг электрон манбаларидан фойдаланишини таъминлаган ҳолда ўқув жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;

корпоратив бошқарув, кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш.

#### **IV. Ўқув жараёнини ташкил этиш**

8. Марказда ўқув жараёни тингловчиларнинг қуйидаги тоифалари:

кузатув кенгашлар аъзолари;

хўжалик жамиятлари ижро этувчи органлари аъзолари;

тафтиш комиссиялари аъзолари;

профессионал бошқарувчи компаниялар ходимлари, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчилар;

иқтисодий тартибга солиш давлат органлари мутахассислари;

хусусий корхоналарнинг акциядорлари ва мулкдорлари учун тасдиқланган ўқув режаларига мувофиқ ўқув курслари шаклида амалга оширилади.

9. Тингловчиларни Корпоратив бошқарув марказига қабул қилиш хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртманомалари ҳамда давлат улушига эга бўлган корхоналар учун — Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари котибиятлари йўлланмалари бўйича амалга оширилади.

10. Комплекс тест синови, назорат ишлари якуний билимларни назорат қилиш шакли ҳисобланади.

11. Марказ тингловчиларни ўқув воситалари (ўқув адабиёти ва бошқа адабиётлар, аудиовизуал ва техник воситалар) билан таъминлайди.

12. Марказда ўқишни муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга тугатганлик тўғрисида белгиланган намунадаги сертификат берилади.

13. Марказнинг тингловчиларига ўқиш даврида асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади. Бошқа шаҳарлик тингловчиларга асосий иш жойида ўқиш даврида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суткалик харажатлар тўланади ҳамда ўқиш жойигача йўлқира берилади.

#### **V. Марказнинг профессор-ўқитувчилар таркиби**

14. Марказда ўқув жараёни юқори малакали профессорлар ва ўқитувчилар, амалиётчи мутахассислар, шу жумладан етакчи хорижий илмий ва ўқув юртлари, халқаро ташкилотларнинг профессорлари томонидан таъминланади.

15. Марказнинг доимий ишловчи профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимлари моддий-маиший шароитлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимларига тенглаштирилади.

#### **VI. Марказни молиялаштириш ва ўқиш учун тўлов шакли**

16. Марказни молиялаштириш:

белгиланган вазифаларга ва Марказ фаолияти йўналишларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар ва ташкилорларга кўрсатиладиган ўқитиш, маслаҳат хизматлари ва бошқа хизматлардан тушадиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Хусусийлаштириш, бозор тузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш учун назарда тутилган маблағлари;

республика ва халқаро ташкилотларининг грантлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

17. Марказда тингловчиларни ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Тингловчилар белгиланган тартиб бузилганлиги ёки ўзлаштирамаганлиги учун тингловчилар сафидан чиқарилганда ўқиш учун тўланган пул қайтарилмайди.

18. Марказ Олий бизнес мактаби билан келишган ҳолда:

Марказ томонидан кўрсатиладиган хизматларга тарифлар, нархларни белгилайди; ишлаб топилган ҳамда бошқа шахслар ва ташкилотлардан олинган маблағлардан ўқув ва моддий-техника базани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий



рағбатлантириш ва мазкур Низомда назарда тутилган бошқа вазифалар учун фойдаланади.

### VII. Марказнинг ташкилий тузилмаси

19. Марказ фаолиятига жорий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишган ҳолда Олий бизнес мактаби директори томонидан тайинланадиган раҳбар амалга оширади, у айти вақтда Олий бизнес мактаби директорининг ўринбосари ҳисобланади.

20. Марказ раҳбари:

асосий мақсадлар ва юкланган вазифаларга биноан Марказ сиёсатини шакллантириш;

Марказ ходимлари ишини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш, ўз ваколатлари доирасида Марказ ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган фармойишлар чиқариш;

ўқув режалари ва дастурларини, Марказнинг даромадлари ва харажатлари сметалари бўйича таклифларни тасдиқлаш учун Олий бизнес мактаби директорига киритиш;

хўжалик фаолиятдан олинган маблағлар доирасида меҳнатга ҳақ тўлаш ва профессор-ўқитувчилар таркибини моддий рағбатлантириш бўйича Олий бизнес мактаби директорига таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

21. Марказ раҳбари:

тингловчиларни ўқитиш сифати таъминланиши;

Марказга юкланган шартнома мажбуриятлари бажарилиши;

фойдаланиш учун берилган мол-мулкдан самарали фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши учун жавоб беради.

### VIII. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш

21. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 107 Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Уй-жой қурилишини кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ва республика корхоналарининг ёғоч-тахта материалларига ва ёғочга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, ички истеъмол бозорини улар билан тўлдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2003 йил 10 июлдан бошлаб:

юридик шахслар томонидан иловага мувофиқ олиб келинадиган ёғоч-тахта материаллари ва ёғочга нол фоиз миқдорида импорт божхона божи ставкаси;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи билан юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар учун мазкур қарорга иловада кўрсатилган, тижорат фаолиятига мўлжалланган ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч олиб келишда ягона божхона тўловининг нол ставкаси белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси республикага ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч олиб келишнинг белгиланган тартибига юридик ва жисмоний шахслар томонидан қатъий риоя қилиниши, божхона расмийлаштирувининг ва божхона тўловлари ундиришнинг тўғри амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалликда: ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин; икки ҳафта муддатда идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

#### Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2003 йил 7 июль,  
305-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 7 июлдаги 305-сон қарорига  
ИЛОВА

#### Импорт божхона божи ва ягона божхона тўловининг нол ставкаси белгиланадиган ёғоч-тахта ва арраланган бинокорлик материаллари, ёғоч ва ёғочдан ясалган буюмларнинг айрим турлари РЎЙХАТИ

Товарнинг номи	ТИФ ТН коди
1. Ишлов берилмаган, шилинган ёки шилинмаган, хомаки брусланган ёки брусланмаган ёғоч-тахта материаллари	4403
2. Темир йўллар ёки трамвай йўллари учун ёғоч шпаллар	4406
3. Узунасига арраланган ёки ёрилган, рандаланган ёки пўсти олинган, йўнилган ёки йўнилмаган, силлиқланган ёки силлиқланмаган 6 миллиметрдан ортиқ йўғонликдаги шипга бириктирилган ёки бириктирилмаган ёғоч-тахта материаллари	4407
4. Елимланган фанера учун бир қатламли фанера ва бир қаватли юпқа фанера учун листлар (елимланган ёки елимланмаган) ҳамда узунасига арраланган, қисмларга кесилган ёки пўсти олинган, рандаланган ёки рандаланмаган, силлиқланган ёки силлиқланмаган, 6 миллиметрдан ортиқ йўғонликдаги шипга бириктирилган ёки бириктирилмаган ёғоч	4408

Товарнинг номи	ТИФ ТН коди
5. Ҳар қандай қиррали ёки ясилиқдаги, рандаланган ёки рандаланмаган, силлиқланган ёки силлиқланмаган, шипга бириктирилган ёки бириктирилмаган, бир шаклга келтирилган ўлчовли (ўрқачли, ўйиқли, шпунтланган, четлари йўнилган, ярим доира рандаланган шаклда бириктирилган, бир қолипдаги, думалоқланган ёки шунга ўхшаш) арраланган бинокорлик материаллари (полни паркет билан қоплаш учун йиғилмаган планка ва фриз ҳам шу жумлага киради) (расмлар, фотосуратлар, ойналар ёки шунга ўхшаш буюмлар учун бир қолипдаги рамкалардан, шунингдек паркет ёки полни ёғоч билан қоплаш учун йиғилмаган брус, планка ва фризлардан ташқари)	4409 (440910110, 0440920110 ва 440920910 дан ташқари)
6. Ёғоч-пайраха плиталар ва ёғочдан ясалган шунга ўхшаш плиталар ёки қатрон ёки бошқа органик боғловчи моддалар шимдирилган ёки шимдирилмаган бошқа ёғочсимон материаллар	4410
7. Ёғочдан тайёрланган ёғоч-толали плиталар ёки қатрон ёки органик моддалар қўшилган ёки қўшилмаган ёғочсимон бошқа материаллар	4411
8. Елимланадиган фанера, фанера ҳолига келтирилган панеллар ва қатламли ёғочдан шунга ўхшаш материаллар	4412
9. Блок, плита, брус ёки бир қолипдаги (буюм) шакллардаги прессланган ёғоч	4413

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**108** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 29 апрелдаги 196-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Апелляцияларни кўриб чиқиш кенгашининг янгиланган таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ўзининг идоравий норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

\* 2-илова берилмайди.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов**

Тошкент ш.,  
2003 йил 9 июль,  
307-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 9 июлдаги 307-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент» республика фонд биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва қийматли қоғозлар бозори инфраструктурасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 8 июндаги 285-сон қарорида:

а) қарорга 1-иловада:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Акциялар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш учун акциядорлик жамиятлари рўйхатдан ўтказувчи органларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этадилар»;

5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

7-банднинг «а» кичик бандидаги «иловада назарда тутилган» сўзлари «рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан белгиланган тартибда белгиланадиган» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг «а» кичик бандидаги «ушбу Низомнинг II бўлими 3-бандида назарда тутилган» сўзлари «қонун ҳужжатларида белгиланадиган» сўзлари билан алмаштирилсин;

Давлат корхоналарини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этилган очик турдаги акционерлик жамиятларининг акцияларини рўйхатдан ўтказиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) қарорга 2-иловада:

5-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Очик турдаги акциядорлик жамиятларининг акцияларини сотиб олиш-сотиш бўйича иккиламчи бозордаги битишувлар фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорлари ва уюшган биржадан ташқари бозорларда амалга оширилади, акциядорлик жамиятлари томонидан ўз акцияларини сотиб олиш бўйича уюшмаган биржадан ташқари бозорларда тузилиши мумкин бўлган битишувлар бундан мустасно»;

15-банднинг биринчи хатбошидаги «унинг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган тақдирда» сўзлари «инвестиция воситачиси, инвестиция компанияси ёки бошқарувчи компания фаолиятини амалга ошириш учун лицензияси бўлган тақдирда» сўзлари билан алмаштирилсин»;

18-бандда:

«қийматли қоғозлар билан иш олиб бориш» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни амалга ошириш» сўзлари билан алмаштирилсин»;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қимматли қоғозларнинг биржа ва биржадан ташқари савдоси ташкилотчилари савдо майдончаларида фақат қимматли қоғозлар ва уларнинг ҳосилаларини сотиб олиш-сотиш бўйича битишувлар амалга оширилиши ва рўйхатдан ўтказилиши мумкин».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 3-сон, 11-модда):

3-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳудудий бўлимлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тегишли ҳудудий бошқармаси раҳбари билан келишган ҳолда бош директор томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар»;

қарорга 3-илова 10-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳудудий бўлимлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тегишли ҳудудий бошқармаси раҳбари билан келишган ҳолда бош директор томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар».

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Апелляцияларни кўриб чиқиш кенгаши таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 15 сентябрдаги 395-сон қарорида:

1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

қарорга 2-илова 8-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 17-модда):

43-банддаги «акциялар чиқариш тўғрисидаги ахборот» сўзлари «акциялар чиқариш сўровномаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

44-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«44. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда қонун ҳужжатларида белгиланган ҳужжатларни олгандан кейин:».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **109 Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолият турларини лицензиялашни тартибга солиш мақсадида ҳамда «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази:

лицензиялар бериш ёки лицензиялар беришни рад этиш тўғрисида хулосалар тайёрлаш бўйича эксперт комиссияси таркибини ва комиссия тўғрисидаги низомни икки ҳафта муддатда тасдиқласин;

ўз идоравий норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирасин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция ва Хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 9 июль,  
308-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолият (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти) турларини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш Ўзбекистон Респуб-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

ликаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

3. Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни юридик шахслар амалга оширишлари мумкин, жисмоний шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин бўлган инвестиция воситачиси ва инвестиция маслаҳатчисининг касбий фаолияти бундан мустасно.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолияти лицензияловчи орган томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

4. Қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолият турларини амалга оширишга бериладиган лицензиянинг амал қилиш муддати — беш йил. Лицензия 5 йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

5. Қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолият турларини амалга оширишга намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

6. Лицензиялар қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолиятнинг қуйидаги турларига берилади:

- инвестиция воситачиси;
- инвестиция маслаҳатчиси;
- инвестиция компанияси;
- инвестиция фонди;
- бошқарувчи компания;
- депозитарий;
- ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти (палаталар);
- қимматли қоғозлар эгалари реестрини сақловчи;
- қимматли қоғозларнинг номинал сақловчиси;
- қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси.

Қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолият юридик ёки жисмоний шахс томонидан фақат лицензияда кўрсатилган фаолият тури бўйича амалга оширилиши мумкин.

Лицензияни ёки унинг бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

## II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қуйидагилар қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолиятни амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) лицензиат томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, лицензияловчи органнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга мажбурий риоя қилиниши;

б) лицензиатнинг ўз маблағлари (сармояси) ва бошқа молиявий кўрсаткичларининг етарлилигини ва лицензияловчи орган томонидан белгиланган мажбурий нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

в) лицензияловчи орган томонидан белгиланган дастурий-техник комплексга қўйиладиган талабларнинг дастурий таъминоти ва техник воситалари мувофиқлиги ҳамда инвестиция институтлари ва фонд биржалари билан ўзаро электрон алоқага тайёрлиги;

г) қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни амалга оширувчи лицензиатда қимматли қоғозлар билан операцияларнинг ички ҳисобини юритиш вазифасига кирувчи камида битта ходимнинг бўлиши;

д) қўйидаги шахслар жисмоний шахс — лицензиат ёхуд юридик шахс — лицензиатнинг яққа ҳолда ижро этувчи органи бўлишлари мумкин эмас:

молия-иқтисод, юридик, математика ёки ахборот технологиялари мутахассисликларидан камида биттаси бўйича олий маълумотли бўлмаган шахслар;

инвестиция институтларида, фонд биржаларида ёхуд иқтисодий, молиявий ва юридик фаолият соҳаларидаги ёки кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича давлат бошқарув органларидаги ишда камида икки йиллик иш стажига эга бўлмаган шахслар;

яққа ҳолда ижро этувчи орган функцияларини бажарган, коллегиял ижро этувчи орган таркибига кирган ёки ушбу шахсларнинг айби билан йўл қўйилган лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги учун кўрсатиб ўтилган ташкилотларда фаолиятнинг тегишли турларини амалга оширишга берилган лицензияларнинг амал қилиши тўхтаган пайтда, агар бундай тўхташ пайтидан бошлаб уч йилдан кам вақт ўтган бўлса, инвестиция институти, фонд биржаси, кредит, суғурта ёки аудиторлик ташкилотининг муассислари бўлган шахслар;

иқтисодиёт соҳасидаги жиноят учун ёки бошқарув тартибига қарши жиноят учун олиб ташланмаган судланганликка эга бўлган шахслар;

юридик шахс банкрот деб эътироф этилган пайтда ва эътироф этилган пайтдан бошлаб икки йил ўтмаган бўлса, яққа ҳолда ижро этувчи орган функцияларини бажарган ёки коллегиял ижро этувчи орган таркибига кирган шахслар;

е) лицензиатнинг мутахассислари, мансабдор шахслари ва назоратчисининг лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган малака талабларига мувофиқлиги.

Ушбу банднинг «б» ва «г» кичик бандлари талаблари жисмоний шахс бўлган лицензиатларга жорий этилмайди.

8. Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятнинг икки ва ундан ортиқ турларига лицензия олишда лицензия талабгорига қўйидаги талаблар қўйилади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозорида асосий фаолиятнинг қўшимча (қўшиб олиб бориладиган) тури қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятнинг амалга оширилган турига мувофиқ бўлиши керак;

қимматли қоғозлар бозорида қўшимча фаолиятни амалга ошириш ниятида бўлган лицензия талабгори ёки лицензиат лицензияловчи органга мазкур Низомда кўрсатилган лицензияланадиган фаолиятнинг тегишли турига ҳужжатларни тақдим этиши ва касбий фаолиятнинг қўшиб олиб бориладиган турларидан бири учун энг кўп даражада белгиланган ўз маблағлари (сармоя)нинг етарли миқдорига эга бўлиши керак.

Лицензияловчи органнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида лицензия талабгорининг таркибий бўлинмаси ёки лицензия талаблари ва шартлари унга ҳам жорий этиладиган лицензиатнинг қўшиб олиб бориладиган касбий фаолиятни амалга оширишига қўйиладиган талаблар ва унинг тартиби назарда тутилиши мумкин.

### III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида қўйидагилар кўрсатилган ҳолдаги ариза:

юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасида талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамининг тартиб рақами;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотлар;



лицензия талабгори амалга ошириш ниятида бўлган фаолиятнинг лицензияланадиган тури ва фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган тури амалга ошириладиган муддат;

б) юридик шахс учун — юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси; жисмоний шахс учун — якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) лицензия талабгорининг аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) рўйхатдан ўтказилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;

д) солиқ органининг белгиси ва охириги ҳисобот санасига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот билан биргаликда бухгалтерия баланси нусхаси (талабгор охириги ҳисобот санасидан кейин ташкил этилган ҳоллардан ташқари);

е) лицензияловчи орган томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ охириги ҳисобот санасига ўз маблағлари (сармояс) миқдори ҳисоб-китоби;

ж) лицензия талабгори бўлган жисмоний шахснинг ёхуд лицензия талабгори бўлган юридик шахснинг (инвестиция фондларидан ташқари) раҳбари ва ходимларининг лицензияловчи органнинг малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари, шу жумладан лицензия талабгори бўлган юридик шахснинг улар доимий асосда ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхалари, шунингдек якка ҳолда ижро этувчи орган функциясини амалга оширувчи шахсларнинг меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

з) ахборотни сақлаш, муҳофаза қилиш ва тиклаш тартиби, шу жумладан талабгор томонидан тасдиқланган хизмат ахборотидан ноҳуқуқий фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар рўйхати;

и) қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятнинг алоҳида турларини лицензиялаш учун талаб этиладиган мазкур Низомнинг 10—15-бандларида санаб ўтилган бошқа ҳужжатлар.

Ушбу банднинг «г», «д», «е», «з» кичик бандлари талаблари жисмоний шахслар бўлган лицензия талабгорларига жорий этилмайди.

10. Инвестиция воситачиси, инвестиция маслаҳатчиси, бошқарувчи компания ва инвестиция компанияси касбий фаолиятини амалга оширишга лицензия олиш учун лицензия талабгори қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

талабгор томонидан тасдиқланган Қимматли қоғозлар билан операцияларни ички ҳисобга олиш қоидалари нусхаси;

талабгор томонидан тасдиқланган Мижознинг манфаатлари билан низо келиб чиққанда инвестиция воситачиси (инвестиция маслаҳатчиси, бошқарувчи компания, инвестиция компанияси)нинг хатти-ҳаракатлари тартиби нусхаси.

11. Инвестиция фонди касбий фаолиятини амалга оширишга лицензия олиш учун лицензия талабгори қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

акциялар эмиссияси проспекти;

фондни бошқариш тўғрисида инвестиция фонди билан бошқарувчи компания ўртасида контракт тузилганлиги тўғрисидаги дастлабки шартноманинг лицензиат томонидан тасдиқланган нусхаси;

инвестиция фонди билан депозитарий ўртасида контракт тузилганлиги тўғрисидаги дастлабки шартноманинг лицензиат томонидан тасдиқланган нусхаси.

12. Депозитар фаолиятни амалга оширишга лицензия талабгори қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мижозларга хизмат кўрсатиш тартиби;

лицензияловчи органнинг талабларига мувофиқ бўлган депозитор фаолиятни амалга оширишга қўйиладиган ички тартиб;

депозитар фаолиятни амалга оширишга ўз дастурий воситаси мавжуд бўлган тақдирда муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи мазкур дастурий воситани ёки гувоҳнома нусхасини сотган (берган) ташкилот билан тузилган депозитар фаолиятни амалга ошириш бўйича дастурий воситадан тижорат мақсадида фойдаланишга муаллифлик лицензия шартномаси нусхаси;

депозитар фаолиятни амалга ошириш бўйича дастурий таъминотнинг техник тавсифи;

депозитар фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиладиган техник воситаларнинг тавсифлари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

дастурий таъминот ва техник воситаларнинг депозитарийларнинг дастурий-техник комплексларига қўйиладиган белгиланган талабларга мувофиқлиги ҳамда инвестиция институтлари билан электрон ўзаро ҳамкорликка тайёрлиги тўғрисида Марказий депозитарийнинг ҳулосаси.

13. Қимматли қоғозлар бозорида ҳисоб-китоб-клиринг фаолиятини амалга оширишга лицензия олиш учун лицензия талабгори қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур дастурий воситани сотган (берган) ташкилот билан тузилган ҳисоб-китоб-клиринг фаолиятини амалга ошириш бўйича дастурий воситадан тижорат мақсадида фойдаланишга муаллифлик лицензия шартномаси нусхаси ёки ҳисоб-китоб-клиринг фаолиятини амалга ошириш бўйича ўз дастурий воситаси мавжуд бўлган тақдирда муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

тегишли дастурий таъминотнинг техник тавсифи;

Ҳисоб-китоб ва клирингни амалга ошириш (клиринг хизмати кўрсатиш) қоидалари.

14. Қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш бўйича фаолиятни амалга оширишга лицензия олиш учун лицензия талабгори қўшимча равишда лицензияловчи органнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ бўлган Қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш қоидаларини тақдим этади.

15. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдо ташкилотчиси фаолиятини амалга оширишга лицензия олиш учун лицензия талабгори қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур дастурий воситани сотган (берган) ташкилот билан тузилган биржадан ташқари савдони ташкил этиш бўйича дастурий воситадан тижорат мақсадида фойдаланишга муаллифлик лицензия шартномаси нусхаси ёки ўз дастурий воситаси мавжуд бўлган тақдирда муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

тегишли дастурий таъминотнинг техник тавсифи;

ўз ичига қимматли қоғозларни муомалага қўйиш ва муомаладан чиқариш тартиб-қоидалари, қимматли қоғозлар нархлари котировкаси тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олувчи Қимматли қоғозлар савдоси қоидалари;

индекслар ҳисоб-китоби методикаси;

қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдолар ташкилотчисининг қатнашчиларни қўйиш тартиби;

ахборотни ошкор қилиш тартиби;

нархлар билан найранг қилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар рўйхати;

16. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилиши талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

Матни бир варақдан кўп бўлган ҳужжатлар тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган, лицензия талабгорининг муҳри билан тасдиқланган ва лицензия талабгорининг ваколатли шахси имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

17. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан биргаликда почта алоқа воситалари орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар лицензияловчи органнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинганлиги санаси тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

18. Ишончсиз ёки бузилган маълумотлар такдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

#### **IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

19. Лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг банк ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризани рад этган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

20. Қимматли қоғозлар бозоридан касбий фаолият турларини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинадиган схемага мувофиқ амалга оширилади.

21. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

22. Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, уларнинг муддатларини узайтириш, улар бўйича хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссияси таркиби ва унинг тўғрисидаги низом лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади. Эксперт комиссияси мажлислари бир ойда камида бир марта ўтказилади.

Лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда улар қабул қилинадиган кунда эксперт комиссиясининг кўриб чиқиши учун киритилади.

Эксперт комиссияси йиғирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда такдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

23. Лицензияловчи орган уч кун муддатда эксперт комиссиясининг хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарордан хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

24. Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битимида қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилётган қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги фаолият тури (турлари)нинг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

томонларнинг реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилиш тартиби;

лицензия талаблари ва шартларининг бир марта қўпол равишда бузилиши сифатида эътироф этиладиган қимматли қоғозлар бозоридаги тартиб бузишлар рўйхати;

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бажарилиши устидан лицензияловчи органнинг назорат қилиши тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун биттадан нусхада тузилади.

25. Лицензиялар махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензиялар бланкалари намуналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари лицензияловчи органнинг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босма усулда тайёрланади. Лицензияловчи орган раҳбари лицензиялар бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун жавоб беради.

Лицензиялар лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

Бошқарувчи компания ва депозиторий касбий фаолиятини амалга оширишга лицензияда рухсат берилган операциялар (хизматлар) рўйхати кўрсатилади.

26. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмася ёхуд лицензия битимини имзоламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

27. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида белгиланган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

28. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

29. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Такроран тақдим этилган ҳужжатлар эксперт комиссиясининг кўриб чиқиши учун улар қабул қилинадиган кунда киритилади.

Эксперт комиссияси олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни такроран кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган уч кун муддатда эксперт комиссияси хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

30. Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади.

#### **V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

31. Юридик шахс бўлган лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Жисмоний шахс бўлган лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

32. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

33. Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

34. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати тугагунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

35. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликатларини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

#### **VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

36. Лицензиатнинг лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат

қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

37. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратини амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга лицензия талаблари ва шартларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

38. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

#### **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

39. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли равишда 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияловчи орган қарорининг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда лицензияловчи орган лицензиат кўрган зарар миқдорида унинг олдида жавоб беради.

#### **VIII. Лицензиялар реестри**

40. Лицензияловчи орган қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятнинг ҳар бир тури учун алоҳида лицензиялар реестри юритади.

Лицензиялар реестрида лицензиатлар тўғрисидаги қуйидаги асосий маълумотлар:

юридик шахслар учун — юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

жисмоний шахслар учун — лицензиатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг паспортидаги маълумотлар, уй манзили, телефони;

лицензия берилган сана ва унинг тартиб рақами;  
лицензиянинг амал қилиш муддати;  
лицензияларнинг қайта расмийлаштирилиши, амал қилишини тўхтатиб туриш ва амал қилиши тикланиши асослари ва санаси;  
лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;  
лицензияларни бекор қилиш асослари ва санаси;  
дубликат беришнинг асослари ва санаси кўрсатилиши керак.

41. Лицензиялар реестридаги маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг улар билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, юридик ва жисмоний шахслар тўлов тўлаб лицензияловчи органдан лицензиялар реестридан муайян лицензиатлар тўғрисида кўчирма тарзида маълумотлар олиш ҳуқуқига эгадир.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун битта энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридаги тўлов лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига маълумотлар бепул берилади.


### **IX. Давлат божи тўлаш тартиби**

42. Лицензия берилганлиги ёки унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида ёки қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятнинг икки ва ундан ортиқ турига бир вақтда лицензия берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия беришда ва унинг амал қилишини беш йилдан кам муддатга узайтиришда давлат божи миқдори лицензия амал қилишининг қисқартирилган муддатига мутаносиб равишда камайтирилади.

Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш схемаси**





Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция ва Хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида» 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-иловада:  
19-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:  
«19. Инвестиция фонди фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади»;  
20-22-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. 3-илованинг 12-банди куйидаги тахрирда баён қилинсин:  
«12. Хусусийлаштириш инвестиция фонди фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади».
3. 4-илованинг IV бўлими ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**110 Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида**

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:  
Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;  
Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси таркиби 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комиссия:

---

\* 3-илова берилмайди.

икки ҳафта муддатда Комиссия тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда мазкур қарор кучга киргунга қадар берилган лицензияларни хатловдан ўтказсин, уларнинг амал қилиш муддати Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларга мувофиқлаштирилишини ҳамда лицензиатлар билан лицензия битимлари тузилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 9 июль,  
310-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Нефть, газ (шу жумладан сиқилган табиий ва суюлтирилган углеводород гази) ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолият лицензияланиши керак.

3. Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолият фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

5. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш, улар бўйича эксперт хулосалари тайёрлаш, лицензияларни бериш, лицензия битими тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш

учун Комиссия хузурида «Ўздавнефтвазинспекция», «Ўзбекнефтваз» миллий холдинг компанияси ҳамда давлат бошқаруви бошқа органлари мутахассисларидан иборат таркибда ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб юритилади) тузилади.

6. Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

7. Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёхуд унинг бир қисмига берилиши мумкин.

## II. Лицензия талаблари ва шартлари

8. Қуйидагилар нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) лицензиат томонидан нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, шунингдек амалдаги экология, санитария, метрология, ёнғиндан сақлаш ва техник нормалар, нормативлар ва қоидаларга риоя этиш;

б) юридик шахс штатида лицензияда кўрсатилган фаолият тури бўйича тегишли маълумотга ва камида уч йил иш стажига эга бўлган раҳбар ва инженер-техник ходимларнинг, шунингдек махсус тайёргарликдан ўтган хизмат кўрсатувчи техник ходимларнинг мавжуд бўлиши;

в) қазиб олинган ва сотилган маҳсулот турларига сифат сертификатининг мавжудлиги ва уларнинг амалда сифат сертификати мувофиқлиги;

г) фаолиятнинг лицензияланаётган аниқ турини амалга ошириш, шу жумладан тегишли моддий-техника базасидан, нефть омборидан ва ёнилғи қуйиш асбоб-ускуналаридан, бошқа техника воситаларидан фойдаланиш учун шароитларнинг яратилганлиги;

д) лицензиат томонидан давлат сири ҳисобланадиган маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бажарилган тақдирда режим органининг мавжудлиги;

е) лицензия талабгорига мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган, лицензияланадиган фаолият турини амалдаги нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқ тўлиқ ҳажмда бажариш учун зарур бўлган моддий-техника базасининг (бинолар, хоналар, қурилиш машиналари, механизмлар ва транспорт, асбоблар, энергетика қурилмалари, назорат ва ўлчов воситалари, ташкилий техника, компьютерлар) мавжуд бўлиши.

9. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 8-бандида санаб ўтилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

10. Раҳбарларга, ходимларга, моддий-техник базага, асбоб-ускуналарга ва нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа техника воситаларига минимал талаблар Комиссия томонидан белгиланади.

## III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

11. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи

(почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақамининг номери, лицензия бериш тўғрисида фаолиятнинг (ёхуд унинг бир қисмининг) лицензияланадиган тури ҳамда фаолиятнинг ушбу тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолдаги ариза;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) лицензия бериш тўғрисидаги аризанинг лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) лицензия талабгори ходимларининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ келувчи малакага эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси, шу жумладан штатдаги ходимларнинг эгаллаб турган лавозимлари, маълумоти бўйича мутахассислиги, мутахассислиги бўйича иш стажи кўрсатилган рўйхати;

д) фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун фойдаланиладиган бинолар, хоналар, қурилиш машиналари, механизмлар ва транспорт, асбоблар, электр қурилмалари, назорат ва ўлчов воситалари, ташкилий техника, компьютерларга эгаллик ҳуқуқининг ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;

е) «Саноатконттехназорат» агентлигининг лицензия талабгори моддий-техника базасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек ходимларнинг билимлари текширилганлиги тўғрисидаги хулосаси;

ж) «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳолининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

з) Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органларининг моддий-техника базаси ва ишларни амалга ошириш технологиясининг табиатни муҳофаза қилиш ва экология талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

и) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнғин назорати органларининг техника базасининг ва ходимларнинг ёнғиндан сақлаш талабларига мувофиқлиги ва тайёрланганлиги тўғрисидаги хулосаси;

к) «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари томонидан бериладиган метрологик таъминот тўғрисидаги хулосаси.

12. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

13. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

14. Лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар Комиссия ҳузуридаги ишчи гуруҳ раҳбари томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талабгорига юборилади (топширилади). Ишчи гуруҳ раҳбари вақтинча бўлмаган тақдирда унинг функцияларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти томонидан белгиланган тартибда белгиланадиган шахс бажаради.

15. Лицензия бериш тўғрисидаги аризанинг кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорда йиғим ундирилади.

Лицензия бериш юзасидан ҳужжатларнинг кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

#### **IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

16. Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати лицензия олишга ариза ва барча зарур ҳужжатлар тушган кундан бошлаб ўттиз кунни ташкил қилади.

17. Ишчи гуруҳ ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар юзасидан эксперт хулоса тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни қарор протоколининг тегишли лойиҳаси билан бирга Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия ишчи гуруҳ таклифи олингандан кейин ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

18. Ишчи гуруҳ лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

19. Лицензия битими лицензияловчи орган ҳамда лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби;

нефть, газ (шу жумладан сиқилган табиий ва суюлтирилган углеводород гази) ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолият хусусиятларига тааллуқли бошқа шартлар.

Лицензияловчи орган томонидан лицензия битими ишчи гуруҳ раҳбари томонидан имзоланади.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

20. Лицензия белгиланган шаклдаги бланкаларда ишчи гуруҳ томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади,

ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

Лицензиялар бланкаларини тайёрлаш, уларни ҳисобга олиш, сақлаш ва расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 майдаги 200-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

21. Лицензия талабгори томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

Давлат божи суммаси давлат бюджетига ўтказилади.

22. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоланган, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

23. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гуруҳ мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

24. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

25. Лицензия талабгори томонидан лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи гуруҳ ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин олти кун мобайнида улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни қарор протоколнинг тегишли лойиҳаси билан биргаликда Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия ишчи гуруҳ таклифи олингандан кейин тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

#### **V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

26. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан

ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи гуруҳга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

27. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

28. Ишчи гуруҳ лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш ишчи гуруҳ томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

29. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

30. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

#### **VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

31. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи гуруҳ:

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва лицензия битимлари шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширади;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текширади;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўрайди ва олади;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар тузади;

лицензиатга аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқаради, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилайди;

Комиссияга лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқиш учун киритади.

Давлат назорат органлари, шунингдек давлат ҳокимияти бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида, лицензия талаблари ва шартлари бузилишлари аниқланганда лицензияловчи органга аниқланган бузилишлар ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида хабар қилиши керак.

32. Ишчи гуруҳ лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда давлатнинг тегишли бошқарув ва назорат органлари мутахассисларини жалб қилиш ҳуқуқига эга. Текширишлар натижалари бўйича икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

#### **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

33. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли равишда 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

34. Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияловчи орган қарорининг асосиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорда жавоб беради.

#### **VIII. Лицензиялар реестри**

35. Лицензияловчи орган белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритади.

36. Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар: юридик шахснинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатдан ўтказиш санаси, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг берилган санаси ва тартиб рақами), почта манзили, телефони ва факси рақами, электрон почтаси манзили;

б) лицензияланаётган фаолият тури;

в) лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

г) лицензияларнинг амал қилиш муддати;

д) лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

е) лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

ж) лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

37. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади ва ёзма сўров бўйича ҳамда сўров ҳақи тўлагани тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилган тақдирда аниқ лицензиатлар ҳақидаги маълумот реестрдан кўчирма тарзида уч кун муддатда берилади.

38. Битта лицензиат тўғрисида реестрдан маълумот берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган битта энг кам ойлик иш ҳақи миқдорда тўлов ундирилади.


Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига текин берилади.

39. Реестрдан маълумотлар берилгани учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.



Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш схемаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва  
нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш,  
қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш  
фаолиятини лицензиялаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ ишлар турларини ўз ичига олади.

2. Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

3. Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

4. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш, улар бўйича хулосалар тайёрлаш, лицензияларни бериш, лицензия битими тузиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш учун Комиссия ҳузурида «Ўздавнефтгазинспекция», «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳамда давлат бошқаруви бошқа органлари мутахассисларидан иборат таркибда ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб юритилади) тузилади.

5. Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

6. Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёхуд унинг бир қисмига берилиши мумкин.

**II. Лицензия талаблари ва шартлари**

7. Қуйидагилар магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулот-

\* 1-илова берилмайди.

лари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) лицензиат томонидан магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, шунингдек амалдаги экология, санитария, метрология, ёнғиндан сақлаш ва техник нормалар, нормативлар ва қоидаларга риоя этиш;

б) юридик шахс штатида лицензияда кўрсатилган фаолият тури бўйича тегишли маълумотга ва камида уч йил иш стажига эга бўлган раҳбар ва муҳандис-техник ходимларнинг, шунингдек хизмат кўрсатувчи техник ходимларда махсус тайёргарликнинг мавжуд бўлиши;

в) фаолиятнинг лицензияланаётган аниқ турини амалга ошириш, шу жумладан тегишли моддий-техника базаси (бинолар, иншоотлар, муҳандислик коммуникациялари, технология асбоб-ускуналари, транспорт, назорат ва ўлчов воситалари, ташкилий техника, компьютерлар, норматив-техник ҳужжатлар)дан ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш учун шароитларнинг яратилганлиги;

г) лицензиат томонидан давлат сири ҳисобланадиган маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бажарилган тақдирда режим органининг мавжудлиги.

8. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 7-бандида санаб ўтилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

9. Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятининг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган раҳбарларга, ходимларга моддий-техник базага, асбоб-ускуналарга ва бошқа техника воситаларига минимал талаблар Комиссия томонидан белгиланади.

### III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

10. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақамининг номери, лицензия бериш тўғрисида фаолиятнинг (ёхуд унинг бир қисмининг) лицензияладиган тури ҳамда фаолиятнинг ушбу тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолдаги ариза;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) лицензия бериш тўғрисидаги аризанинг лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) лицензияладиган ишлар турларини бажарадиган мутахассислар тўғрисида маълумотлар (сони, маълумоти, мутахассислиги бўйича иш стаж);

д) техник жиҳатдан жиҳозланганлиги ва лицензияладиган ишларни бажариш бўйича норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотлар;

е) фаолиятнинг лицензияладиган турини амалга оширишда фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар, муҳандислик коммуникациялари ва технология асбоб-ускуналарига эгалик ҳуқуқининг ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;

ж) Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш

агентлигининг лицензия талабгори моддий-техника базасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек ходимларнинг билимлари текширилганлиги тўғрисидаги хулосаси (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш фаолияти бундан мустасно);

з) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш фаолияти бундан мустасно);

и) Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органларининг моддий-техник база ва ишларни амалга ошириш технологиясининг табиатни муҳофаза қилиш ва экология талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш фаолияти бундан мустасно);

к) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнгин назорати органларининг техник базанинг ёнгиндан сақлаш нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқлиги ва ходимларнинг улар бўйича тайёргарлик даражаси тўғрисидаги хулосаси;

л) Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг моддий-техник базанинг, ишларни амалга ошириш технологиясининг лойиҳалаштириш ва қурилиш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолияти бундан мустасно);

м) лицензияланадиган ишларнинг назоратини ва қабул қилинишини ташкил этиш тўғрисидаги маълумотлар.

11. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

13. Лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар Комиссия ҳузуридаги ишчи гуруҳ раҳбари томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талабгорига юборилади (топширилади). Ишчи гуруҳ раҳбари вақтинча бўлмаган тақдирда унинг функцияларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилги-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти томонидан белгиланган тартибда белгиланадиган шахс бажаради.

14. Лицензия бериш тўғрисидаги аризанинг кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензия бериш юзасидан ҳужжатларнинг кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

#### **IV. Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби**

15. Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фао-

лиятини лицензиялаш ушбу Низомга 2-иловага биноан схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати лицензия олишга ариза ва барча зарур ҳужжатлар тушган кундан бошлаб ўттиз кунни ташкил қилади.

16. Ишчи гуруҳ ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар юзасидан эксперт хулоса тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни қарор протоколининг тегишли лойиҳаси билан бирга Комиссияга тасдиқлаш учун такдим этади.

Комиссия ишчи гуруҳ таклифи олингандан кейин ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

17. Ишчи гуруҳ лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

18. Лицензия битими лицензияловчи орган ҳамда лицензиат ўртасида тузилади ва унда қўйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби;

магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолияти хусусиятларига тааллуқли бошқа шартлар.

Лицензияловчи орган томонидан лицензия битимини ишчи гуруҳ раҳбари имзолайди.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

19. Лицензия белгиланган шаклдаги бланкаларда ишчи гуруҳ томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

Лицензиялар бланкаларини тайёрлаш, уларни ҳисобга олиш, сақлаш ва расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 майдаги 200-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

20. Лицензия лицензия талабгори томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат такдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

Давлат божи суммаси давлат бюджетига ўтказилади.

21. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

22. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гуруҳ мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

23. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда, тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида ёзма шаклда юборилади (топширилади).

24. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи гуруҳ ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин олти кун мобайнида улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни қарорнинг тегишли протоколи лойиҳаси билан биргаликда Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия ишчи гуруҳ таклифи олингандан кейин тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

#### **V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

25. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

26. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

27. Ишчи гуруҳ лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш ишчи гуруҳ томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

28. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

29. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

#### **VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

30. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш учун ишчи гуруҳ:

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва лицензия битимлари шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширади;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текширади;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўрайди ва олади;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар тузади;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқаради, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилайди;

Комиссияга лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш учун киритади.

Давлат назорат органлари, шунингдек давлат ҳокимияти бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида, лицензия талаблари ва шартлари бузилишлари аниқланганда лицензияловчи органга аниқланган бузилишлар ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида хабар қилиши шарт.

31. Ишчи гуруҳ лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда «Ўздавнефтгазинспекция» мутахассисларини жалб қилиш ҳуқуқига эга. Текширишлар натижалари бўйича икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

#### **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

32. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни

бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли равишда 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

33. Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияловчи орган қарорининг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдоридан жавоб беради.

### **VIII. Лицензиялар реестри**

34. Лицензияловчи орган белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритади.

35. Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар:

тўлиқ ва қисқартирилган номи, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатдан ўтказиш санаси, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг берилган санаси ва тартиб рақами), почта манзили, телефони ва факси рақами, электрон почтаси манзили;

б) лицензияланаётган фаолият тури;

в) лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

г) лицензияларнинг амал қилиш муддатлари;

д) лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

е) лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

ж) лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

36. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот манфаатдор юридик шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади ва ёзма сўров бўйича ҳамда сўров ҳақи тўлагани тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилган тақдирда аниқ лицензиатлар ҳақидаги маълумот реестрдан кўчирма тарзида уч кун муддатда берилади.

37. Битта лицензиат тўғрисида маълумот берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридан тўлов ундирилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.

38. Реестрдан маълумотлар берилгани учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.



Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш схемаси**

